

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 48 (1647), 2026 йил 12 март, пайшанба



КИМЁ САНОАТИДА “МАҚСАД — ҲАРАКАТ — НАТИЖА” ТАМОЙИЛИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ГАРОВИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 март куни кимё саноатидаги йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан тақдимот билан танишди.

Танқидий ҳақда ўтган тадбирда тармоқни “мақсад — ҳаракат — натижа” тамойилига асосланган янги стратегик режалаштириш ва ривожлантириш тизими асосида ислоҳ қилиш зарурлиги таъкидланди. Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, янги қувватларни ишга тушириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш бўйича аниқ кўрсаткичларни белгилаш топширилди.

Жумладан, жорий йилда тармоқ маҳсулотлари экспортини 720 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилган. Қишлоқ хўжалигида режалаштирилган ҳосил ҳажмларини таъминлаш учун азотли ўғитлар ишлаб чиқаришни 1 миллион 120 минг тоннага, фосфорли ўғитларни 135 минг тоннага, калийли ўғитларни эса 222 минг тоннага етказиш зарурлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, тармоқ ва ҳудудлар томонидан жорий йилда 9,5 миллиард долларлик 133 та лойиҳани амалга ошириш доирасида 2,5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиниши режалаштирилган. Жумладан, кимё саноати корхоналари ва ҳудудларда 24 та стратегик лойиҳа доирасида 1,3 миллиард доллар инвестицияларни ўзлаштириш, 7 та янги ишлаб чиқариш қувватини ишга тушириш вазифаси белгиланган.

Шу билан бирга, Қўнғирот сода заводида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, “Самарқанд-кимё” корхонасида минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Деҳқонobod калий заводи қувватларини ошириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш жараёни танқидий

қўриб чиқилди. Муддатларнинг асоссиз ўзгариши қайта кўриб чиқилди. Мутасаддиларга инвесторлар билан биргаликда мазкур лойиҳаларни жадаллаштириб, қисқа муддатларда якунлашни таъминлаш топширилди.

“Аммофос-Максам” корхонаси фаолияти давомида тўпланган фосфогипс саноат чиқиндиларини қайта ишлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Ушбу чиқиндидан қўшимча маҳсулотлар, жумладан, сульфат кислотаси ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, кимё саноатини стратегик ривожлантириш учун замонавий илмий ва технологик инфратузилмани шакллантириш масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда кимё-технология инновация марказини ташкил этиш режалаштирилгани маълум қилинди. Мазкур марказ газ ва кўмир кимёси, чуқур кимёвий таҳлил, сорбентлар, катализаторлар, нано ва композит материаллар каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб боришга ихтисослашади ва бу борада Марказий Осиёдаги ягона илмий-тадқиқот институти бўлади.

Тақдимотда эритувчи моддалар, куруқ цян тузлари, каустик сода, силикон, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, “Фаргоназот”да аммиак, карбамид ва аммиакли селитра қувватларини модернизация қилиш, “Навоийазот”да говаксимон селитра, Тошкент вилоятида машина кимё воситалари, Биринчи резинотехника заводида янги турдаги шиналар ишлаб чиқариш лойиҳаларини бориши ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шу билан бирга, “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятида лойиҳаларнинг бошқариш самарадорлигини ошириш режалари кўриб чиқилди.

Жумладан, жамият ва унинг тизимидаги корхоналарда ERP тизими жорий қилиниб, 21 та вазирлик ва идоралар ҳамда харид операторлари билан интеграция қилинди, 16 та ахборот тизими ягона рақамли платформага бириктирилди. Молиявий ҳолатни таҳлил қилиш ва прогнозлаш, минерал ўғитга эҳтиёжни башорат қилиш жараёнига босқичма-босқич сунъий интеллект технологияларини жорий этиш режалаштирилган. Шунингдек, минерал ўғитларнинг корхонадан фермерга ҳаракатидаги барча жараёнларни рақамли назорат билан қамраб олиш кўзда тутилган.

Ҳисоб палатаси билан биргаликда энергия ресурсларини тежаш, хашмиё ҳаражатларини қисқартириш ва рақамлаштириш чора-тадбирлари орқали кимё саноатида маҳсулот таннархини 10-15 фоизгача пасайтириш вазифаси қўйилди.

Яқунда давлатимиз раҳбари кимё саноатидаги йирик инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, муаммолари масалаларини тежор ҳал қилиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини белгиланган муддатларда ишга тушириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

ЛОЙИҲАЛАР ЭКСПЕРТИЗАСИДА СИФАТ ВА ТЕЗҚОРЛИКНИ ОШИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ЯХШИЛАНИШИ ОМИЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш тизимини тақомиллаштириш бўйича тақлифлар тақдимоти билан танишди.

Жорий йилда мамлакатимиз ҳудудлари ва иқтисодий тармоқларига 50 миллиард доллардан зиёд инвестиция жалб қилиш, ижтимоий ва инфратузилма объектлари қурилишига 24 триллион сўм бюджет маблағларини йўналтириш, шунингдек, давлат харидлари доирасида 300 триллион сўмдан зиёд товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш режалаштирилган. Бундай катта ҳажмдаги лойиҳаларни амалга оширишда уларни экспертизадан ўтказиш тизимининг тезкор ва сифатли ишлаши муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, амалдаги тартиб мазкур талабларга тўлиқ жавоб бермаётгани, тадбиркор ва инвесторларнинг жиддий эътирозлари сабаб бўлаётгани қайд этилди. Жумладан, ўтган йили экспертизага келиб тушган 7 минг 750 та ҳужжатнинг бир қисми узоқ муддатларда кўриб чиқилган. Айрим ҳолларда лойиҳалар аҳамияти катта бўлмаган камчиликлар сабаб бир неча марта қайта ишлашга юборилган.

Шу бос, Президент фармони билан Лойиҳалар ва импорт шартномаларини комплекс экспертиза қилиш маркази янги тузилган Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлигига ўтказилди ва унинг фаолиятини трансформация қилиш вазифалари белгилаб берилди.

Тақдимотда соҳадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган тақлифлар кўриб чиқилди.

Марказ фаолияти рақамлашмагани ва хавф-тахлил ёндашувининг йўқлиги учун битта ходимга тўғри келадиган операция

юклама ортиб кетгани қайд этилди. Марказда 130 нафар ходим ишласа-да, хавфи паст ва стратегик аҳамиятли лойиҳалар бир-биридан ажратилмагани учун ҳар бир ходимга икки кунда ўртача битта лойиҳа тўғри келмоқда.

Экспертизага келиб тушаётган ҳужжатларнинг катта қисми қиймати нисбатан кичик бўлган лойиҳалардан иборат. Шунингдек, кўплаб ҳужжатлар аввал кўрилган лойиҳаларга ўхшаш бўлса ҳам, улар қайтадан тўлиқ тартибда кўриб чиқилмоқда. Бу эса ортиқча вақт ва ресурс сарфига сабаб бўлаётгани қайд этилди.

Тақдимотда марказ фаолиятига илгор тажриба ва амалиётларни жорий қилиш тақлиф қилинди.

Хусусан, лойиҳаларни кўриб чиқишда хавф даражаси ва қиймати қараб, табақалаштирилган тартибни жорий этиш тақлифи билдирилди. Унга кўра, лойиҳаолди ҳужжатларни экспертизадан ўтказишда техник топшириқлар кўриб чиқилмайди, фақат 15 миллион доллардан юқори қийматдаги корпоратив ва бюджет лойиҳалари кўриб чиқилади.

Ийрик ва мегалойиҳаларни параллел экспертизадан ўтказиш, аввалгиларига ўхшаш лойиҳа келиб тушганда, тезлаштирилган тартибда кўриб чиқиш, жисмонан ва маънан эскирган ускуналарни соддалаштирилган тартибда экспертизадан ўтказиш, бенчмаркинг усулини қўллаш ташаббуслари илгари сурилди. Бу экспертиза жараёнини мақбуллаштириш, марказнинг асосий эътиборини

стратегик аҳамиятга эга йирик инвестиция лойиҳаларига қаратиш имконини беради.

Тақдимотда экспертиза жараёни иштирокчилари учун рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, лойиҳалар бўйича биринчи босқичдаёқ ижобий ҳулоса олинса ёки лойиҳа бўйича билдирилган эътирозлар муддатидан олдин бартараф этилса, буюртмақиларни рағбатлантириш, экспертиза жараёнларини тезлаштириш ва четғирмалар бериш каби чоралар тақлиф қилинди.

Марказ фаолиятини рақамлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун солиқ ва божноа органлари, миллий статистика тизими, экология ва иқлимга оид маълумотлар базалари, шунингдек, қурилиш ресурслари миллий классификатори ҳамда давлат харидлари электрон тизимлари билан интеграция қилинган ягона ахборот платформаси яратилади. Ушбу платформа орқали лойиҳаларга оид ҳужжатлар онлайн шакллантирилиши, сувар ва хизматларнинг нархлари ҳамда техник кўрсаткичлари сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиниши белгиламоқда.

Давлатимиз раҳбари лойиҳалар экспертизаси инвестиция муҳитининг муҳим бўғини эканини таъкидлаб, мазкур соҳада ортиқча бюрократик тўсиқларни қисқартириш, жараёнларни рақамлаштириш, сифат ва тезқорликни ошириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

ЁШЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ДРАЙВЕРИ

“Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...”



Буюк ўзбек йўли



Шу кунларда қайси даврага кирсангиз, давлатимиз раҳбарининг яқинда ёшлар билан мулоқотида янграган чақириқлар ва янги ташаббуслар муҳокамасига дуч келасиз. Бугуннинг ёшларига ҳар томонлама ҳавас қилгулик. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати қўламини жуда кенг. Жамиятимиздаги ҳеч бир соҳа ёки тармоқ, ҳеч бир йиғит-қиз бу ислохотлардан четда эмас. Ёшлар учун очилаётган янги имкониятларни эшитиб, кўриб, бехатиёр шоир ёзганидек, “Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...”, деб юборасиз!

Кўни кеча собиқ ҳамкасбимни учратиб қолдим. У билан 2000-йилларнинг бошида сиёсий партиянинг ёшлар тузилмасида бирга ишлаганимиз. Уша даврларни эслардик. Бугун билан қиёслаб, ҳозирги ёшлар етакчиларига росмана ҳавасимиз келди.

Эсимда: ўшанда ёшларга оид давлат сиёсатини тақомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар тайёрланди. Улардан бири ёшларга оид сиёсатни мувофиқлаштирувчи ягона давлат органини ташкил этиш гояси эди. Шу тақлифни бир давра суҳбатда билдирганимизда кўп маломатга қолганимиз. Кўпчилик экспертлар фикримизни

қўллаб-қувватламаган, аксинча, танқид қилган. Газеталардан бирда “Ижтимоий ҳаракат: у қандай бўлиши керак?” сарлавхали мақолам эълон қилинганида ўша

пайтдаги “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашига чақириб, жиддий муҳокама қилишган. Ҳаракат фаоллигини ошириш бўйича билдирган

тақлифларим учун дакки эшитганман. “Бизда ҳаммаси зўр. Тақлифларингизга муҳтож эмасмиз”, дейишган.

Давоми 3-бетда

Нуқтаи назар 2026-2030: ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯЛАРИ ВА ЮКСАЛИШ ДАСТУРЛАРИ БАХТЛИ ҲАЁТИМИЗ ЙЎЛ ХАРИТАСИ

“Жонажон Ватанимиз бутун янгича сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий муносабатлар асосида яшаб, меҳнат қилаётган, мустақил фикрлайдиган, озод ва эркин инсонлар диёрига айланмоқда. Ҳаммамизга аёнки, Мирзо Улуғбек бобомиз бундан олти аср муқаддам инсоният учун юлдузлар харитасини яратган эди. Бугун эса биз ҳозирги ва келажак авлодларимиз учун бахтли ҳаётга олиб борадиган йўл харитасини яратишимиз лозим”. Ушбу долзарб чақириқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига тақдим этган наватбдаги Мурожаатномасида янгради.

Шу асосда Мурожаатномада илгари сурилган ташаббуслар ва 2026-2030 йиллар учун энг устувор ислохотларни қамраб олган ислохотлар дастурлари ҳамда давлат дастури лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ушбу муҳим ҳужжатлар Ўзбекистон Президентининг 2026 йил 16 февралдаги “Маҳаллани

ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланди.

Давоми 2-бетда

Ер — ҳазина, сув — гавҳар

ҚАЛЬЛАРГА ИШОНЧ БЕРГАН ЎЗГАРИШЛАР

Президентимиз наватбдаги Мурожаатномасида “Дунёда сув танқислиги муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Шу бос, ислохотларимизнинг илк кунлариданоқ сувдан оқилона фойдаланишни давлат сиёсати даражасига олиб чиқдик”, деди. Шунингдек, мазкур соҳани ривожлантириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда эски инфратузилмани янгилаш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, 2026 йилда 1300 километр узунликдаги йирик магистрал каналлар бетон билан қопланиши, шу орқали йилга қўшимча 500 миллион куб метр сув иқтисод қилиниши таъкидланди. Каналларни бетонлаш суви тежаб, сўғориш тизимининг барқарор ишлашини ҳам таъминлайди.

Давоми 4-бетда

ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЯНГИ БОСҚИЧ САРИ

Бу йил қор ҳар йилгидан мўл ёғди. Қишнинг изғиринли кунларида ёққан қор эрта баҳордан кеч кузгача далада меҳнат қиладиган деҳқон учун ҳам, дашт оралаб чорвасини ўлатиб юрган чўпон учун ҳам хушхабар бўлди. Чунки ер сувсиз қолса — ҳосил сўнади, яйлов сув кўрмаса — чорва озади. Шунинг учун бўлса керак, кексалар бу йил кўкламда ёғмир мўл бўлишини сўраб, дуога қўл очди. Ахир ўтган йили қурғоқчиликдан тап-тақир бўлиб кетган яйловлар яна ўт-ўлан билан қопланиб, дашт яна жонланишини ҳамма кутиб турибди.

Давоми 4-бетда

2026-2030: ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯЛАРИ ВА ЮКСАЛИШ ДАСТУРЛАРИ БАХТЛИ ҲАЁТИМИЗ ЙЎЛ ХАРИТАСИ



Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик



Нуқтаи назар

рини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш борасида ибратли тажриба тўғрисида, муайян мақбул амалиёт шакллари. Бу борадаги янги ҳужжатлар туркуми синовдан ўтган миллий амалиёт ва илгор хорижий тажриба асосида мутлақо янги ёндашувлар негизда ишлаб чиқилди.

Ислохотлар дастурлари ва давлат дастури бир-бирдан фаркли жиҳатларга эга. Жорий йил 16 февраль куни Президентимизга энг устувор ислохотлар дастурлари ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2026 йилда амалга ошириш бўйича давлат дастури лойиҳалари юзасидан берилган ахборотда масаланинг ушбу жиҳатига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.


Ислохотлар дастурларининг тўғри амал қилиш механизми мавжуд ва улар айрим ташаббуслар бўйича алоҳида ҳужжат қабул қилиниши талаб этмайди. Ҳар бир ислохотлар дастурининг ижроси учун шахсан жавобгар бўлган масъул раҳбар ва мувофиқлаштирувчи давлат ташкилоти аниқ белгиланди.

Ўз навбатида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини Мақаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилларида амалга оширишга оид давлат дастурида мазкур стратегиянинг 2026 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичлари ижроси ташкил этилади. Дастур билан 337 та банддан иборат амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Жорий йилда соҳалар кесимида энг муҳим 59 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва энг муҳим стратегик ислохотларни назарда тутувчи 12 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида 2026 йил давомида ишлаб чиқиладиган стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳалари рўйхатининг 4-бандида “Инсон ҳуқуқлари — 2030” стратегиясини ишлаб чиқиш белгиланди. Мазкур банд ижроси учун асосий масъул Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳисобланади.

Дастурда кўзда тутилган “Инсон ҳуқуқлари — 2030” стратегияси, таъбир жоиз бўлса, янги Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи миллий стратегияси бўлади. 2020 йилда қабул қилинган ва ижроси якунига етган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси бу соҳадаги илк ҳужжатдир.

Вена декларацияси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳаққондор дастури ҳар бир давлатга инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаққондор режаларини қабул қилишни тавсия этган. Буни қўлдан дунёнинг 80 мамлакатига инсон



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ҳуқуқлари соҳасида 150 дан ортиқ миллий режа (стратегия) қабул қилинган бўлиб, амал қилиш муддати қисқа, ўрта ёки узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ушбу ҳужжатлар турли даражаларда: президентлар, парламентлар, ҳукуматлар томонидан тасдиқланди.

Марказий Осиё мамлакатларининг бу борадаги тажрибаси эътиборга лойиқ. Марказий Осиё мамлакатлари Конституцияларида “Давлат инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилади ва таъминлайди” тамойили аниқ белгилаб қўйилган. Қозғоғистонда 2023 йилда Президент томонидан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги соҳасидаги учинчи ҳаққондор режаси амалга оширилди.

Дастурда кўзда тутилган “Инсон ҳуқуқлари — 2030” стратегияси, таъбир жоиз бўлса, янги Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи миллий стратегияси бўлади. 2020 йилда қабул қилинган ва ижроси якунига етган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси бу соҳадаги илк ҳужжатдир.

Вена декларацияси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳаққондор дастури ҳар бир давлатга инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаққондор режаларини қабул қилишни тавсия этган. Буни қўлдан дунёнинг 80 мамлакатига инсон

лоийҳасини тайёрлашда илгор халқаро тажриба, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлари, шунингдек, ўтган давр бойичида шаклланган миллий амалиёт инноватга олинди. Ҳужжатда Ўзбекистоннинг миллий маърузаларини кўриб чиқиш доирасида тақдим этилган БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича органлари тавсиялари ҳам ўз аксини топишига аминимиз.

Бундан ташқари, фармон билан тасдиқланган давлат дастури бўйича амалий тадбирлар режасида Инсон ҳуқуқлари бўйича V Самарқанд форумини ўтказиш ҳам кўзда тутилди. Форумни ўтказиш билан боғлиқ асосий масъулият Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ зиммасига юкланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми 2018 йилдан бошлаб анъанавий тарзда ҳар икки йилда ташкили жиҳатдан юқори савияда ўтказиб келинмоқда. Форумнинг ташкилотчилари Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, шунингдек, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳисобланади.

Вазирлар Мақамаси томонидан 2020 йил 9 октябрда “Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми концепцияси ва инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор қабул қилинган. Бу ҳужжат Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида ишлаб чиқилган.

Самарқанд форумининг асосий вазифалари, хусусан:

— инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида тажриба алмашиш;

— Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасида эришган ютуқлари ва ташаббусларини муҳофизат қилиш, мамлакатнинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш;

— халқаро ҳамжамиятнинг инсон ҳуқуқларига ривоз этилишида саъй-ҳаракат ва имкониятларини бериштириш;

— ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳуқуқлари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларини қиратиш.

Навбатдаги Самарқанд форуми БМТнинг 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган иккинчи асосий ҳужжати — Фуқаролар ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг 60 йиллигига, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 30 йиллигига бағишланиши кўзда тутилмоқда.

Бундай муҳим миллий ва халқаро саналар муносиб нишонланадиган жорий йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумининг юксак савияда ўтказилиши эл-юртимиз ҳаётида катта аҳамият касб этишига шубҳа йўқ.

молия институтлари билан ҳамкорликда қайта қурилиши белгиланган.

Шу йил 5 март куни транспорт инфратузилмасини модернизация қилишга қаратилган йирик лойиҳалар доирасида бажарилаётган ишлар юзасидан ўтказилган тақдимотда Тошкент — Самарқанд йўналишида янги замонавий автомагистрал қуриш лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ушбу йўлнинг умумий узунлиги 282 километр. Шундан 140 километри участкаларда тупроқни мустаҳкамлаш ишлари бажарилади. Лойиҳа доирасида 12 та транспорт ечими, 91 та кўприк ва 16 та йўл ўтказгич қурилиши кўзда тутилган. Беш йил давомида қурилиши режалаштирилган мазкур йўл автомобиль йўлининг энг юқори техник ва хавфсизлик стандартларига жавоб берадиган магистрал бўлади.

Шунингдек, Тошкент — Ангрэн — Қамчиқ довозни йўналишида 171 километрни муқобил автомобиль йўли барпо этиш лойиҳаси ҳам амалга оширилади.

— Тақдимотда Президентимизга мамлакатимизда қурилаётган пулли йўллар тўғрисида

маълумот берилди, — дейди Автомобиль йўллари қўмитаси раиси Жамшид Турсунов. — Жорий йилда давлат-хусусий шериклик асосида тўртта пулли йўл қурилиши белгиланган. Бу анчадан буюн муҳофазат маркази бўлиб келаётган Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Андижон, Тошкент — Чорвоқ ва Урганч — Хива автомобиль йўллари.

Давлатимиз раҳбари ташаббус билан Урганч — Хива йўналишида илк пулли автомобиль йўли қурилишини бошлангани юртимизда йўл инфратузилмасини мутлақо янги bosқичга олиб чиқиш борасида навбатдаги улкан қадам.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида автомобиль йўлларининг сифатини яхшилаш, транзит салоҳиятини янада ошириш мақсадида беш йиллик дастур амалга оширилиши қайи этилган. Бунда Андижон билан Кўнгротни, Тошкент билан Термизни, Самарқанд билан Шахрисабзни, Олоп билан Сариевни боғлайдиган, узунлиги 4000 километри магистрал халқаро талабларга мос “автобан”ларга айлантирилади.

2026 йилнинг ўзида Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарь ва Сурхондарь худудидан ўтган умумий фойдаланишдаги 300 километр йўлда реконструкция ишлари якунланади. Тошкент — Самарқанд йўлининг қурилиши март ойидан, қолган йўллар бўйича амалий ишлар эса 1 июндан кечиктирмай бошланиши, яна 1200 километр йўл 2030 йилгача халқаро



Бугуннинг гапи

ТАДБИРКОРЛИК — БАРҚАРОР ЖАМИЯТ АСОСИ



Шерзод ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти бош илмий ходими

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида иқтисодий ўсишнинг барқарор манбаси сифатида хусусий секторни кенгайтириш ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилган. Ушбу стратегик мақсадларни амалга ошириш доирасида давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорларда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига асосиз аралашувларни чеклаш, текширув тизимини рақамлаштириш ҳамда суд-ҳуқуқ кафолатларини мустаҳкамлаш масалалари изчил ва тизимли равишда мустаҳкамланмоқда.

Президентимизнинг 2025 йил 26 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ҳам тадбиркорлик иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омил сифатида алоҳида таъкидланган. Хусусан, 2026 йилда асосий солиқ ставкаларни ўзгаришсиз қолдирилиши, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 140 триллион сўм ресурс ажратилиши, “маҳаллада санаят ва хизмат” дастурлари орқали минглаб янги иш ўрни яратилиши бизнес муҳитини янада барқарор ва ишончли қилишга қаратилган муҳим қадамлардир.

Бугун мамлакатимизда 1 миллиондан зиёд яқка тартибдаги тадбиркор ва кичик бизнес субъекти фаолият қоритмоқда. Янги ички маҳсулотнинг 56 фоиздан зиёди, хусусий сектордаги бандликнинг қариб 80 фоизи айнан шу қатлам ҳиссасига тўғри келмоқда. Ушбу рақамларнинг ўзидек тадбиркорлик иқтисодиётимиз пойдеворига айлангани аққол намоян элади.

2017 йилдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятга давлат идораларининг асосиз аралашувларини чеклаш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, бизнес омбудсман институти ташкил этилди. 2024 йилнинг ўзида ушбу идора томонидан тадбиркорликка ноқонуний аралашув бўйича 8898 та ҳолат аниқлангани ҳимоя механизми амалда ишлаётганини кўрсатади.

Шунингдек, корхона очини жараёни тўлиқ электронлаштирилиб, 30 дақиқа ичида рўйхатдан ўтиш имконияти яратилди. 2023 йилдан бошлаб кичик бизнесга янги мажбуриятлар юкловчи норматив-ҳужжатлар қабул қилишга мораторий киритилди. Президентимизнинг 2024 йил 14 ноябрдаги

хорижий сармоялар кириб келишини таъминлагани қайи этилган.

ХВЖнинг 2025 йилги ҳисоботида “Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўғишда сезиларли тараққиётга эришди. Ислохотлар натижасида инвестициялар, иқтисодий ўсиш ва қашшоқликни қисқарттиришнинг ижобий босқичи шаклланди”, дея таъкидлангани юртимизда юритилаётган стратегик сиёсат тўғри йўналтирилганини аниқлатади.

Бундай халқаро эътирофлар мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимли ва барқарор йўлга қўйилганидан далолатдир. Нуфузли институтлар раҳбарлари Ўзбекистонни очик иқтисодиёт ва қулай инвестициявий муҳит яратиши йўлида жадал ривожланаётган давлат сифатида таърифламоқда. Бу эса ташқи сармоядорлар ишончи ортиб, инновация ва замонавий технологияларни жалб этиш жараёни янада фаоллашганига кўринишдир.

Айни пайтда кенг қўламли ислохотларни янада чуқурлаштириш, ҳуқуқий кафолатларни амалиётда мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятига оид ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Статистик таҳлиллар айрим процесуал нормаларни аниқлаштириш ва ҳуқуқий қўллаш амалиётини бирхиллаштириш заруратини кўрсатади.

Масалан, 2024 йилда тадбиркорлик субъектлари бўйича жиноят ишларининг 15 фоиздан ортиги оқлов ёки ишни тутати билан якунлангани айрим ҳолатларда процесуал ёндашувларни янада такомиллаштириш имкониятини аниқлатади. Шу боис, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни жиноят-ҳуқуқий баҳолашда аниқ мезонларни белгилаш, ҳуқуқий аниқликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этиди.



“Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида текширувларда “хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими жорий этилди. Энди текширувлар фақат хавф даражасига қараб амалга оширилади, паст хавфли субъектлар умуман текширилмайди.

Ушбу ислохотлар халқаро миқёсда ҳам юксак эътироф этилмоқда. Ўзбекистонда бизнес муҳитини яхшилаш ва ҳуқуқий ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги ишлар нуфузли халқаро молиявий институтлар томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Хусусан, 2025 йил сентябрда ойда Жаҳон банки гуруҳи президенти Ажай Банга янги Ўзбекистонда кенг қўламли иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотларни юқори баҳолаб, мамлакатимизда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича амалий натижаларга эришилаётганини алоҳида таъкидлади.

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ҳам Ўзбекистоннинг иқтисодий либераллашув дастурини изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жамғарма таҳлиллариде 2017 йилдан буюн валюта курсини эркинлаштириш, савдо ва нархларни либераллаштириш, бозор механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатта сезиларли

Амалга оширилган ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида биринчи марта қонунбузарликка йўл қўйиб, етказилган зарарни қоплаган тадбиркорларга нисбатан жиноят ишнини судгача босқичда тутатиш имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорларга нисбатан жиноят ишларини юртимизда бизнес омбудсман институти иштирокчи институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш, тергов жараёнида хатланганидан мол-мулк миқдорини етказилган зарар ҳажми билан муносорни тарзда белгилаш амалиётини аниқлаштириш каби механизмларни ишга тушириш ҳам яхши самара бериши мумкин.

Президентимизнинг ҳар йили тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказиши, уларда илгари сурилаётган ташаббуслар мазкур соҳа давлат сиёсатининг марказида эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Янги Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам институционал асос яратилди. Эндиги вазифа ушбу ислохотларни янада чуқурлаштириш, ҳуқуқий аниқлик ва адолатни таъминлаш орқали хусусий мулк дахлсизлигини мустаҳкамлашдир. Зеро, қучли тадбиркор барқарор иқтисодиёт ва фаровон жамиятнинг энг ишончли кафолати ҳисобланади.



ҚУЛАЙ ИНФРАТУЗИЛМА —

Инсонлар яшаш даражаси ва қаерда истиқомат қилишидан қатъи назар, кунига ўртача 78 дақиқасини йўлга сарфлайди. Бу вақт бир қарашда кўп туюлмаслиги мумкин, бироқ у йиллар давомида йиғилиб, ҳаётимизнинг ажралмас ва ҳал қилувчи бўлагига айланади.

Яқин ўтмишимизда бу вақт нафақат масофани босиб ўтиш, балки носоз инфратузилма сабаб юзага келган машаққатларга сарфланди. Вақт — энг бебаҳо неъмат, тиклаб бўлмайдиган ресурслар. Бироқ ёмон йўллар миллионлаб инсонларнинг қиматли вақтинини ўтиради. Энг ёмони, замонавий ва сифатли йўллар еттишмаслиги иқтисодиёт ривожини секинлаштирувчи омиллардан бирига айланиб, ишлаб чиқариш, логистика ва хизмат кўрсатиш соҳасида кўшимча харажат, вақт йўқотишларга сабаб бўлди. Қисқаси, йўлларнинг ёмон ҳолати тараққиётнинг оёғига тушов бўлиб қолганди.

Мамлакатимизда йўл инфратузилмасини ривожлантириш борасида ҳақиқий бурниш юз берди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу соҳа устувор йўналишлардан бирига айланиб, кенг қўламли қурилуш ва реконструкция ишлари бошланди. Йўлларга иқтисодиёт, туризм ва ҳудудий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи асосий омил сифатида қарала бошлади.

2009-2016 йилларда 9 триллион сўм эвазига минг километрдан кўпроқ йўл қурилган ва 20 минг километр йўл таъмирланган бўлса, сўнгги саккиз йилда бу кўрсаткич саккиз баробаргача ўсди. Яъни 2017-2025 йилларда соҳага қариб 73,7 триллион сўм ажратилиб, 2000 километр йўл янгидан барпо этилди, 122 минг километр йўл таъмирланди. Асосийси, йўлларни замонавий ёндашувлар асосида қуришга эътибор қучайди. Масалан, лойиҳа ҳужжатларининг

намунавий андозаларидан воз кечилиб, ҳар бир ҳудуднинг геологик ва экологик хусусиятидан келиб чиқиш усулига ўтилди.

Президентимизнинг 2023 йил 10 октябрдаги “Йўл ҳўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори юртимизда замонавий автомобиль йўлларини барпо этиш бўйича янги босқични бошлаб берди. Мазкур қарор йўл ҳўжалигини бошқаришнинг замонавий тизимини яратиш ва рақамлаштириш, соҳада сифат назоратини қучайтириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, хусусий сектор корхоналарини кенг жалб қилиш учун шароит яратиш ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланиш самардорлигини янада оширишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Ҳужжатда йўл инфратузилмасини тубдан янгиллаш, аҳоли учун ҳаракатлини бўйича қулай шароит яратиш ҳамда миллий иқтисодиёт асосий вазифалар этиб белгиланди. Шу мақсадда Тошкентдан Самарқанд ва Андижонга элтувчи муқобил магистраллар қурилиши режалаштирилди. Жумладан, Тошкент — Андижон тезораво автомагистрალი лойиҳалаштирилди.

Ушбу магистрал фойдаланишга топиширилган сўнг Тошкент билан Андижон ўртасида сафар вақти беш соатдан уч соатгача қисқаради. Бу нафақат ҳаракатни тезлаштиради, балки иқтисодиётга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Хусусан, янги ички маҳсулот ҳажми 2,6 фоиз ошиши, автофлотлар эса қариб 40 фоиз қамайиши кутулкимоқда.

Яна бир муҳим ташаббус Тошкент ва Самарқандни боғловчи янги автомобиль йўлининг барпо этилишидир. Хорижий мутахассислар иштирокчида лойиҳанинг техник, иқтисодий асослари ишлаб чиқилган. Бу йўл ишга туширилган,

икки шаҳар ўртасидаги қатнов вақти 4,5 соатдан 2,5 соатгача қисқаради. Шу билан бирга, тирбандлик ҳам анча қамаяди. Муҳими, янги магистраллар барча замонавий талабларга жавоб берадиган, хавфсиз ва қулай бўлади.

Мамлакатимизнинг шимолӣ ҳудудида йўл муаммоси узоқ йиллар энг оғриқли масалалардан бири бўлиб келди. Хоразми Қорақалпоғистон билан боғловчи йўлларда ҳайдовчио йўловчи қанчадан-қанча қийинчиликларни бошдан кечиргани ҳеч кимга сир эмас. Қўнгрот — Бейнов йўлининг қайта қурилгани эса бу муаммага қўйилган энг муҳим ечимлардан бири бўлди. Агар санаб чиқсак, бундай йирик ва аҳамиятли лойиҳаларнинг адоғига етиш мушкул.

Давлатимиз раҳбари ташаббус билан Урганч — Хива йўналишида илк пулли автомобиль йўли қурилишини бошлангани юртимизда йўл инфратузилмасини мутлақо янги bosқичга олиб чиқиш борасида навбатдаги улкан қадам.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида автомобиль йўлларининг сифатини яхшилаш, транзит салоҳиятини янада ошириш мақсадида беш йиллик дастур амалга оширилиши қайи этилган. Бунда Андижон билан Кўнгротни, Тошкент билан Термизни, Самарқанд билан Шахрисабзни, Олоп билан Сариевни боғлайдиган, узунлиги 4000 километри магистрал халқаро талабларга мос “автобан”ларга айлантирилади.

2026 йилнинг ўзида Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарь ва Сурхондарь худудидан ўтган умумий фойдаланишдаги 300 километр йўлда реконструкция ишлари якунланади. Тошкент — Самарқанд йўлининг қурилиши март ойидан, қолган йўллар бўйича амалий ишлар эса 1 июндан кечиктирмай бошланиши, яна 1200 километр йўл 2030 йилгача халқаро

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ёшларимизнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий гаровидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЁШЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ДРАЙВЕРИ

Бир сўз билан айтганда, 2017 йилдан буён Ўзбекистонда ёшлар билан ишлаш соҳаси янгича модел асосида ривожланмоқда. Бу модел ёшлар сиёсатини ислохотлар драйвери, очик мулоқот, прагматик натижа тамойиллари асосида қуришни англатади. Президентимизнинг тизимли ислохотлари натижасида ёшлар сиёсати институционал жиҳатдан мустаҳкамланди, иқтисодий мазмун билан бойитилди, инсон капитали ва тадбиркорликка йўналтирилди, давлат — жамият мулоқоти механизми кучайтирилди.

Бугун ёшларга оид давлат сиёсати янги Ўзбекистон тараққиётининг устувор йўналиши ва муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда. Бу сиёсат жамият ва давлат учун узоқ муддатли стратегик таъсирга эга ҳамда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Мамлакатимизда инсон капитали ўсиши ва иқтисодий фаолликнинг ортishi, ижтимоий барқарорлик ва фуқаролик фаоллигининг кучайishi, давлат бошқаруви самарадорлигининг ошиши, миллий ҳавфсизлик ва маънавий барқарорликнинг мустаҳкамланиши каби салмоқли натижаларни ўтган даврда тўғри юритилган ёшлар сиёсатининг амалий маҳсули сифатида баҳолаш лозим. Бу сиёсатнинг изчиллигини таъминлаш орқали Ўзбекистон 2030-2040 йилларда минтақавий билим ва хизматлар марказига айланиши мумкин.

Тарихий учрашув. Нега?

Айрим тадқиқотчилар Президентимизнинг раҳбарлик услубини “трансформацион лидерлик” сифатида баҳолайди, яъни давлат барча ислохотни жамият билан мулоқот асосида амалга оширади. Давлатимиз раҳбари ёшлар сиёсатига ҳам айнан шундай ёндашмоқда. 2017 йилдан кейинги даврда ёш авлод вакиллари билан аънавий тус олган мулоқотлар ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ўзига хос ҳамкорлик платформаси вазифасини бажармоқда.

Бу галги учрашувда 22 миллиондан зиёд йигит-қиз иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий куч экани таъкидланди ҳамда бу демографик омил стратегик ресурс сифатида эътироф этилди. Шунингдек, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар оқимини самарали бандлик, таълим ва тадбиркорлик орқали ривожланиш драйверига айлантириш стратегияси илгари сурилди.

Мулоқотда ёшлар тадбиркорлигини иқтисодий трансформация омилига айлантиришга қаратилган қатор ташаббуслар эълон қилинди. Мисол учун, “Келажак тадбиркори” дастури ишга туширилиб, ёш тадбиркорларга 7 йил муддатга 15 фоизли кредит ажратилади. Бунда ўзини ўзи банд қилган ёшларга гаровсиз 20 миллион сўмгача, тадбиркорлик кўникмасига эга бўлиб бизнес бошлаётганларга 300 миллион сўмгача, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлганларга 2 миллиард сўмгача, камда 5 нафар битирувчинини ишга олган тадбиркорларга эса 10 миллиард сўмгача кредит берилиши белгиланди. Бу ёндашув инсон капитали назарияси ва инновацион иқтисодиёт моделига мувофиқ ёшларни иш изловчидан иш берувчига айлантиришга қаратилган.

Таълим — меҳнат бозори интеграциясига доир ташаббуслар ҳам эътиборга молик. Техникумларда дуал таълимни кенгайтириш, “spin-off”ларга ружусат бериш, “Work and Travel” дастурини жорий этиш каби чоралар таълим тизимини меҳнат бозори талабига мослаштиришни кўзлайди. Бу моҳият таълим самарадорлигини ошириш ва ишсизлик хавфини камайтиришга қаратилган.

Учрашувда мультитермлик ҳаракатини ривожлантириш, “Волонтерликни қўллаб-қувватлаш” жамағатини ташкил этиш, мультитермлик лойиҳаларига 100 миллион сўмгача грантлар ажратилиши ва “Ижтимоий фаоллик картаси”ни жорий этиш режалаштирилди. Ижтимоий капитал ва фуқаролик фаоллигини кучайтиришга қаратилган бу чора-тадбирлар ёшларда ижтимоий масъулият ва жамоатчилик иштирокини кучайтириш механизмидир.

Мазкур мулоқотнинг тарихий аҳамиятини қатор омиллар билан асослаш мумкин. Биринчидан, тадбир давлат — ёшлар муносабатларининг янги модели намоён қилди. Бу учрашув ёшларни сиёсат объекти эмас, балки субъект сифатида қўришга асосланган янги бошқарув моделини мустаҳкамлади.

Иккинчидан, институционал ислохотларнинг чуқурлашуви яққол кўринди. Кредит сиёсатида тортиб, таълим, солиқ имтиёзлари ва венчур жамағатларига бўлган комплекс ёндашув давлат сиёсатида тизимлик босқичига ўтилганини англатади. Учинчидан, ҳозир инновацион иқтисодиётга ўтиш босқичида эканимиз янада ойдинлашди. Стартлар, венчур инвестициялари, ижодкорларнинг рағбатлантириш орқали маънавий капиталини мустаҳкамлашга қаратилган чоралар давлат сиёсатининг фақат иқтисодий эмас, балки маданий-цивилизация ойналишига эълон қўрилади.

Тўртинчидан, миллий маънавий сиёсатнинг янги босқичига кириб бораётганимиз аён бўлди. Китебхоналик, таржима дастурлари, ижодкорларнинг рағбатлантириш орқали маънавий капиталини мустаҳкамлашга қаратилган чоралар давлат сиёсатининг фақат иқтисодий эмас, балки маданий-цивилизация ойналишига эълон қўрилади.

Бешинчидан, мулоқот 2030 йилгача мўлжалланган стратегик демографик таъйёрлик хавфларини камайишга олиб келди. Зеро, ёшлар бандлиги ва маънавий муҳитини мустаҳкамлаш экстремизм ва жамиятдан иجتимоий четлашуви хавфини камайтиради. Бошқача айтганда, бугунги иқтисодий имконият ва ижтимоий қўллаб-қувватловнинг кенгайishi ёшлар орасида ижтимоий тушунувчи даражани пасайтиришга хизмат қилмоқда. Ёшлар сиёсатида китебхоналикни оммалаштириш, маданият ва спортни қўллаб-қувватлаш, хорижий тилларни ўрганишни рағбатлантириш каби йўналишлар жамиятнинг интеллектуал салобатини оширмоқда.

Ёшлар ишлари бўйича алоҳида давлат институтининг шаклланиши ёшлар сиёсатида тизимликни таъминлади. Бу бошқарув самарадорлигини ошириш, давлат сиёсатининг мақсадли ва манзилли амалга оширилишини кучайтириш, ҳисобдорлик механизминини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Янги даврнинг ёшлар сиёсатини ҳам тадрижий босқичларга бўлиш мумкин. Жумладан, ўз моҳиятига кўра ислохотлар институционал янгиланиши (2016-2021 йиллар), иқтисодий чуқурлашуви (2021-2023 йиллар) ва барқарор инновацион ривожланиш босқичи (2023 йилдан кейинги давр) сифатида тавсияланади.



Шухрат ОРИПОВ, журналист

Бошланиш 1-бетда

Ҳозир шулар ҳақида ўйласам, кўнгилнинг бир четида қўлиб кетган амалий оғриқлар уйғонади. Ўша кезларда ёш ва гайратли бўлганми. Қалбимизда кўп оруз-умидлар, гоҳлар бор эди. Лекин ўша даврларда бизни эшитадиган, гоҳларимизни амалга оширадиган ва бизни янги марраларга ундайдиган куч бўлмаган. Давраларда жўшиб ўз фикримизни баён қилганимизда бизга рағбат берилмаган, гоҳларимиз қадар толмаган. Фаоллигимиз ва ташаббусларимиз учун катта авлоднинг кўпи қаршиликка дуч келганми. Булар юракда аламий оғриққа айланган.

Бугуннинг ёшларида имконнинг ҳаммаси бор!

Энг муҳими, улар билан мулоқот қиладиган ва гоҳларини рўёбга чиқарадиган давлат раҳбари бор. Шуёқас, Ўзбекистон ёшларини ҳаракатга келтириб, уларга эркин майдон ва мифлар бериб, халқро саҳналардаги улкан зафарларга илҳомлантирувчи шахс Президентимиздир.

Кейинги йиллардаги тизимли ислохотлар натижасида ёшларга оид давлат сиёсати ҳам шаклан, ҳам мазмунан тубдан ўзгарди. Ёшлар билан ишлаш ва уларнинг камолоти учун зарур шарт-шароитларни яратиш мамлакатимиздаги катта-кичик ҳар бир раҳбарнинг устувор вазифаси этиб белгиланди. Мақсадга, умумий ўрта ва олий таълим тизимида кенг қўлламли янгиланишлар содир бўлди.

Сўнгги саккиз йилда хусусий сектор билан бирга боғчалардаги ўринлар 2,5 миллионга, қамров 78 фоизга етказилди. Янги мактаблар барпо этилгани ва мавжудларни кенгайтирилгани ҳисобига қўшимча 1 миллион ўқувчи ўрни очилди. Шу даврда олий таълимдаги қамров 9 фоиздан 42 фоизга етказилгани тизимдаги кескин бурилишни англатади. Спорт ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар жисмонан соғлом, баркамол авлодни камол топтириш ва Ватанимиз номини дунёга танитадиган янги истеъодларни юзага чиқаришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Ёшлар тараққиёти глобал индексида энг юқори суръатда ривожланаётган давлат деб эътироф этилгани ҳам ёшлар сиёсати йўналишидаги сайёҳ-ҳаракатларнинг амалий маҳсулидир.

Айнан шу даврда Президентимизнинг ёшлар билан мулоқоти аънавога айланди. Жорий йил 24 февраль куни бўлиб ўтган навбатдаги учрашув давлат ва ёшлар ўртасидаги институционал мулоқотнинг янги босқичини бошлаб берди. Унда 60 мингдан зиёд йигит-қиз иштирок этгани, муҳоама қилинган масалаларнинг қамрови ва эълон қилинган ташаббуслар тизимлилиги бу мулоқотни стратегик аҳамиятга эга сиёсий воқеа сифатида баҳолаш имконини беради.

Авал қандай эди?

Ҳар қандай ислохотнинг моҳияти ва янгилиги қисий таҳлилда кўрилади. Келинг, янги Ўзбекистондаги ёшлар сиёсатини муваққат тараққиётимизнинг аввалги даврларидagi ҳолат билан қисий ўрганилай.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсати мустақилликдан кейин давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келди. Бироқ мазмун-моҳияти, институционал асослари ва амалга ошириш механизми турли даврларда турлича хусусият касб этган. Айниқса, 1991-2016 йиллар ва 2017 йилдан кейинги давр ўртасида ёшлар сиёсатида концептуал ва амалий жиҳатдан сезиларли фарқлар кузатилади.

Ўзбекистон тараққиётининг дастлабки даврида ижтимоий ривожланишда маънавий-тарбиявий сиёсат устуворлик касб этди. Бу даврда ёшлар манфаатларининг ҳуқуқий кафолатларини яратиш, хусусан, уларнинг таълим олишига доир қонунчилик базаси шакллантирилди. Ўша кезларда ёшлар сиёсати асосан миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, маънавий тарбия ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган эди. Ёшлар сиёсатининг марказида миллий кадрлар, маънавият, давлатга садоқатли кадрлар тайёрлаш каби гоҳлар турарди. Бу даврда ёшлар сиёсати кўпроқ ижтимоий-тарбиявий йўналишда бўлиб, иқтисодий мустақиллик ва ёшлар тадбиркорлигини оммавий қўллаб-қувватлаш тизими чекланган эди.

Дастлабки йилларда “Камолот” жамағатси фаолият юритди. 2001 йилда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилди. Ҳаракатнинг болалар қаноти сифатида “Камалак” тизим ҳам йўлга қўйилди. Бу ёшларни давлат сиёсати атрофида бирлаштиришга қаратилган марказлашган тизим эди. Лекин бу даврда ёшларга оид сиёсатни амалга оширадиган ва мувофиқлаштирадиган ягона давлат органи мавжуд бўлмаган. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, хусусан, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида муаммолар бор эди. Бу муаммоларни ҳал этиш механизми қонунчиликда ва ижро органи фаолиятида аниқ белгилаб қўйилмаган, мавжуд механизмлар ҳам заиф ва тор доирада эди. Масалан, қонунчиликни таъминлашда доир тақлифчиларнинг парламент минбарларига ёки ёшларнинг ҳудудлардаги ижтимоий муаммоларини маҳаллий кенашлар кўн тартибига олиб чиқиш осон эмасди. Ёшлар сиёсати доир чора-тадбирлар асосан йил дастурлари доирасида амалга оширилди. Ёшларнинг айнан бир қатламга йўналтирилган ёки муайян муаммоларни бартараф этишга мўлжалланган мақсадли ижтимоий дастурлар кам эди. Давлат томонидан ёшлар учун бугунгидек рағбат чоралари ва очик мулоқот майдони тақлиф қилинмаган.

Кечаги кунимизни ёмонлаш ниғтидан йироқман. Бу — биз босиб ўтган ва мамлакатимиз тарихида ўзининг сезиларли изини қолдирган тараққиёт йўли. Айтаётган фикрларим ўша даврда ёш авлод вакили бўлган ва ёшлар билан ишлаш соҳасида фаолият юритган мухтаassisнинг амалий тажрибаси маҳсули, шахсий қарашлари сифатида қабул қилинишни хоҳлардим. Юқорида қайд этилган ҳолатларнинг аксариятига амалиётда рўбарў келганман. Ўз вақтида ёшлар масалаларини турли минбарларга олиб чиқиш ва уларни ҳал этиш жараёнларида бевосита қатнашганман.

Албатта, 1991-2016 йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган ёшлар сиёсати ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий камолотига ўзига хос ҳисса қўшган. Буни тан олмаслик ва эътироф этмаслик адолатдан бўлмайдди. Лекин бу даврдаги ёшлар сиёсати баҳо беришда унинг нисбатан маънавият омилига йўналтирилгани, асосан ижтимоий-сиёсий тарбия ҳамда сарфбарликка қаратилганини қайд этиш лозим. Бошқача айтганда, аввалги даврда ёшлар сиёсати миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, марказлашган ташкилотчилик моделига таянган эди.

Нималар ўзгарди?

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ёшлар сиёсати институционал ва ҳуқуқий жиҳатдан чуқурлашиб, давлат тараққиёт стратегиясининг устувор қисмига айланди. Президентимиз ташаббуси билан асос солинган ёшлар сиёсати кўп жиҳатдан янги ва фарқли.

2016 йилда бўлиб ўтган Президентлик сайловлари даврида давлатимиз раҳбари “Ёшлар билан ишлаш масаласи ижтимоий сиёсатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу даврда кенг қўлламли чора-тадбирлар дастурини амалга оширишни тақозо этади”, деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, 2017 йилдан ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида тизимли ва кенг қўлламли ислохотлар даври бошланди.

Биринчидан, ёшларни “ижтимоий гуруҳ” эмас, “демографик-иқтисодий ресурс” сифатида бошқаришга ўтилди. Аниқроғи, ёшлар масаласи “тарбия” доирасидан чиқиб,



меҳнат бозори, бандлик, тадбиркорлик ва инсон капитали манғитига кўчди. Бунинг амалий исботини айрим рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган йили ёшлар бандлигини таъминлаш учун банклар ва Ёшлар ишлари агентлигига 400 миллион доллар йўналтирилди. “Ёшлар бизнеси” ва “Келажакка қадам” дастурлари ҳисобидан 15 минг йигит-қиз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, 50 минг кишини иш билан таъминлаган.

Иккинчидан, ёшлар сиёсатини амалга оширувчи муҳим институтлар фаолияти йўлга қўйилди. Ёшлар сиёсати алоҳида давлат сиёсати йўналиши сифатида ҳуқуқий ва ташкилотчилик жиҳатидан эмас, балки кредит, грант, инкубация, франшиза, инфратузилма ҳаракатини қўллаш каби иқтисодий воситалар орқали намоён бўляпти.

Мисол учун, мулоқотда инновацион стартап лойиҳаларига 100 минг долларгача инвестиция киритишга ружусат берилиши эълон қилинди. Сервис ва умумий овқатланиш соҳасида мингдан зиёд иш ўрни очган маҳаллий брендлардан франшиза олиб, филиал очишга қизиққан ёшлар учун кулай мўлажаллаштириш пакетлари жорий қилинди.

Тўртинчидан, ёшлар билан ишлашда инклюзивлик ва “иккинчи имкон” сиёсати аҳамият берилмоқда. Бугун ёшлар сиёсатида янги қатлам — жамиятнинг асосий ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимларига тўлиқ қўшили олмаган, уюшмаган ёшлар гуруҳи қилин шаш ҳам алоҳида дастурга айланган. Масалан, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ёшларнинг жамиятга тез мослашиши учун “Иккинчи имкон” лойиҳаси амалга оширилди.

Унга асосан 8-12 ой интенсив курсларда касб ва чет тили, даромадли ишга тайёрлаш чоралари кўрилади. Бешинчидан, ёшлар “иқтисодий драйвер” сифатида баҳоланмоқда. Мулоқотда ёшлар тадбиркорлиги учун қўшимча 200 миллион доллар ажратиш, кредит миқдорини кескин ошириш, венчур молиялаштириш имкониятини кенгайтириш, бизнес инкубаторлар жорий этиш бўйича билдирилган ташаббуслар моҳиятдан ёшларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган тизимли сиёсатни намоён этади.

Бу Ўзбекистон раҳбарияти ёшларни иқтисодий ўсиш ресурси сифатида кўраётганини англатади.

Олтинчидан, янги даврда давлат — жамият мулоқоти кучайди ва фуқаролик институтларининг роли ошди. Ёшлар иштирокини кенгайтириш механизми давлат стратегиясининг бир қисми сифатида шаклланди.

Президентимизнинг ёш авлод вакиллари билан мулоқоти ҳамда фуқаролик таъшабуслари учун янги тўлқинни пайдо қилмоқда. Давлат бундай учрашувлар орқали ёшларнинг овозини эшитмоқда ва уларнинг ижтимоий қайфиятини ҳис қилмоқда. Бунга жавобан янги ташаббуслар, натижага йўналтирилган дастурлар ва иқтисодий рағбат билан навқирон авлоднинг интилишларига кучли туртки бермоқда.



Ёшлар сиёсатини амалга оширишда ноҳадлат нотижорат ташкилотларнинг иштироки ҳам йилдан йилга фаоллашмоқда. Фуқаролик институтларининг лойиҳалари давлат бююртмаси ва грантлар орқали молиявий қўллаб-қувватланмоқда.

Ҳар йили 30 июнь Ўзбекистонда “Ёшлар кунини” сифатида нишонлаб келинаётимиз. Давлатимиз раҳбарининг янги ташаббусига мувофиқ, энди пайшанба кунини вазирилик, идора ва ҳокимликларда “Ёшлар кунини” бўлиши белгиланди. Шу кунини маъсўл раҳбарлар маҳалла, мактаб ва техникумларга бориб, ёшларни эшитиш ва муаммосини ҳал қилади.

Қандай натижаларга эришдик?

Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсатининг бунёдкорлиги ва натижадорлигини йигит-қизларнинг янгича қиёфаси, йилдан йилга ўсиб бораётган ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳамда улар эришаётган оламшумул ютуқлар мисолида кўриш мумкин.

Келинг, буни аниқ мисолларда таҳлил қилайлик.

Ёшлар тадбиркорлигини молиялаштириш, стартап ва венчур механизмларини жорий этиш, касбий таълимни меҳнат бозори талабига мослаштириш каби чоралар ёшларни иш изловчидан иш берувчига айлантиришга хизмат қилмоқда. Натижада кичик ва ўрта бизнесда ёшлар улуши ортди, хизмат кўрсатиш ва ахборот технологиялари соҳасида янги иш ўринлари очилди, ички иқтисодий фаоллик кучайди.

Мамлакатимизда ҳар йили юз минглаб йигит-қиз меҳнат бозорига кириб келмоқда. Ёшлар сиёсатининг иқтисодий йўналтирилгани ишсизлик хавфини пасайтирди, меҳнат бозорига рақобатбардошликни оширди, солиқ базасини кенгайтирди. Бу давлат бюджетни барқарорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Янги даврдаги ислохотлар ёшлар қатламнинг ижтимоий барқарорлигини мустаҳкамлашдаги иштирокини кенгайтирди. Хусусан, волонтерлик ҳаракатининг ривожланиши, ёшлар ташаббусларини грантлар орқали қўллаб-қувватлаш, ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш жамиятда фуқаролик фаоллигини оширди. Ёшлар форумлари, очик мулоқотлар ва институционал платформалар орқали ёшларнинг сиёсий жараёнларда иштироки ортмоқда. Бунинг амалий самарасини ёшларда ижтимоий масъулиятнинг кучайishi, жамоатчилик назорати маданиятининг шаклланиши, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда давлат ва жамият ижтимоий қўллаб-қувватловнинг кенгайishi ёшлар орасида ижтимоий тушунувчи даражани пасайтиришга хизмат қилмоқда. Ёшлар сиёсатида китебхоналикни оммалаштириш, маданият ва спортни қўллаб-қувватлаш, хорижий тилларни ўрганишни рағбатлантириш каби йўналишлар жамиятнинг интеллектуал салобатини оширмоқда.

Ёшлар ишлари бўйича алоҳида давлат институтининг шаклланиши ёшлар сиёсатида тизимликни таъминлади. Бу бошқарув самарадорлигини ошириш, давлат сиёсатининг мақсадли ва манзилли амалга оширилишини кучайтириш, ҳисобдорлик механизминини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Янги даврнинг ёшлар сиёсатини ҳам тадрижий босқичларга бўлиш мумкин. Жумладан, ўз моҳиятига кўра ислохотлар институционал янгиланиши (2016-2021 йиллар), иқтисодий чуқурлашуви (2021-2023 йиллар) ва барқарор инновацион ривожланиш босқичи (2023 йилдан кейинги давр) сифатида тавсияланади.

Сўхта 500 гектар олма, малина ва ўрик, Термизда 164 гектар ўрик ва шафтоли, Оҳангаронда 309 гектар, Булунгурда 550 гектар ҳамда Қувада 60 гектар ерда узумнинг "Avatar" нави, Попда эса 504 гектар шафтоли ва олхўри плантациялари ташкил қилинди.



Шарҳ



ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЯНГИ БОСҚИЧ САРИ

Бошланиши 1-бетда

Чорвадорлар умид билан осмонга қараяпти. Чунки яйлов тикланса — чорва боқилади, чорва бўлса — тирикчилик юради. Акс ҳолда, ҳа, ҳар бир ишнинг яхши томонини кўриш керак, дейишади. Аммо бугун яйлов масаласи чорвадорларни жиддий ташвишга солаётгани ҳам ҳақиқат. Сўнгги йилларда тартибсиз фойдаланиш, мезёрларга амал қилмаслик ва эътиборсизлик оқибатида кўплаб яйловларда мол боқиш қийинлашиб қолди. Натигада айрим ҳудудларда чорвачилик даромад манбаи бўлишдан кўра, ортиқча ташвишга айлиниб бормоқда.

Ачинарлиси шундаки, яйловлар йўқолиб бораётгани кўпинча кўзга ташланмайди. Улар бир кунда эмас, аста-секин, йиллар давомида емирилади. Бугун ўт чиқмаётган ер эртага чанг босдан саҳрога айланади. Бу эса нафақат чорвадорнинг, балки бутун жамиятнинг йўқотишидир. Зеро, яйлов фақат чорва боқилган майдон эмас, балки озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва экологик мувозанатни таъминловчи муҳим ресурсдир.

Бугун яйловни асраш, эртага чорвани, ундан кейин эса бутун озиқ-овқат занжирини йўқотиш хавфи туғилади. Демак, яйлов масаласи бугун қишлоқ аҳли муаммоси эмас, балки миллий манфаатлар билан chambarchas боғлиқ стратегик масалага айланмоқда.

Айнан шу воқеалар — яйловлар тақдирини, ерга муносабат ва озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар бугун давлат сиёсати марказига чиқиб келишга боғлиқ. Зеро, табиат берган имкониятларни тасоҳифга ташлаш ёки мавсумий омилларгагина боғлаб қўйиш орқали барқарор натижага эришиб бўлмайди. Шу боис, яйловлардан фойдаланиш, уларни тиклаш ва самарали бошқариш масаласи эндиликда тизимли, илмий асосланган ҳамда узоқ муддатли чимларни талаб этмоқда.

Ана шундай ёндашув доирасида давлатимиз раҳбари 9 февраль куни қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштириш ва соҳада илм-фанни янги бошқича олиб чиқиш бўйича тақдирлар тақдироти билан танишди. Ўзбекистонда яйловлар, сугориш тизимлари ва аграр илм-фанни ривожлантириш масалалари кўриштирилди.

Сўнгги беш йилда амалга оширилган ирригация ва мелиорация тадбирлари мам-

лакатимиз қишлоқ хўжалиги салоҳиятини янги бошқича кўтаришда муҳим қадам бўлди. Шу давр мобайнида 826,5 минг гектар ер қишлоқ хўжалиги фойдаланишига киритилди: шундан 409 минг гектари сугориладиган ер, 418 минг гектари эса лалми ва яйлов ҳисобланади. Яйлов ва лалми ердан самарали фойдаланишда ер ости сувидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш ҳамда кам сув талаб қиладиган экинларни жойлаштириш муҳим аҳамият касб этди. Бу натижалар нафақат ернинг иқтисодий қимматини ошириди, балки барқарор ва масъулиятли ер муносабатини илгари сурди.

2030 йилгача режалаштирилётган 938 минг гектар яйлов ўзлаштириш ва ҳолатини яхшилаш чоралари эса узоқ муддатли стратегик қадимнинг амалий ифодасидир. Хусусан, 2026-2027 йилларда 620 минг гектар яйлов тикланиши, шундан 300 минг гектариди яйлов ўсимликлари экилиши, 130 минг гектариди қудуқлар қазилиши кўзда тутилган. Бу тадбирлар 960 минг бош майда шохли мол боқиш, гўшт ва jun ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини беради, шунингдек, яйловларнинг барқарорлиги орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Янги ерни ўзлаштиришда ҳар бир ҳудуд бўйича аниқ инвестор ва лойиҳа асосида иш ташкил қилиш талаб этилиши эса барқарор ва самарали натижаларга эришишнинг муҳим шартидир. Ердан тасодифий ёки назоратсиз фойдаланиш орқали қисқа муддатли самарага эришиш мумкин бўлса-да,



илмий асосда бошқарилган ерлар узоқ муддатли ижтимоий ва иқтисодий қимматга эга бўлади.

Шу билан бирга, йиғилишда қишлоқ хўжалигида илм-фанни янги бошқича олиб чиқиш учун институционал инфратузилмни ўзгартириш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Бу мақсадда соҳадаги 22 та илмий марказ, 260 та лаборатория ҳамда 2,5 мингдан ортиқ олим ва илмий ходимни ягона тузилма

— Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясига бирлаштириш режалаштирилмоқда. Ушбу қарор тадқиқотлар ва амалиётни бир йўналишда мувофиқлаштириб, қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий ва самарали ёндашувни таъминлайди.

Бу жараёнлар ердан оқилона фойдаланиш, яйловларни тиклаш ва самарали бошқариш, қишлоқ хўжалигида илм-фанни мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ривожлантиришни ўз ичига олади. Ҳар бир қадам моддий натижа ва аҳамиятга эга: ер ва инсоннинг узвий алоқаси, барқарор ривожланиш ва келажакка масъулиятни намоён этади.

Замонавий қишлоқ хўжалиги фақат ердан фойдаланиш ва ҳосил олиш эмас, балки илм-фан, технология ва инсон капиталини уйғунлаштириш билан ҳам чуқур боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, тақдиротда Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида биотехнология ва молекуляр биология, ген муҳандислиги ва гибрид уруғчилик, "ақлли" қишлоқ хўжалиги, космик ва дрон технологиялари, ер деградацияси ва соғлом tupроқ, органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги, ветеринария ҳамда рақамли қишлоқ хўжалиги сифатида белгилаш тақдир этилди. Бу йўналишлар илмий излашларнинг чуқурлигини, амалиётга яқин

ва натижали чимларни яратиш имкониятини ҳам аналтади.

Академия фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар эса илмий ва амалий ишларни бириктириб, қишлоқ хўжалигида самарадорликни оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, келажакнинг аграр салоҳиятини таъминлаш учун кадрлар тайёрлаш масаласи алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди. Ҳозир Тошкент давлат аграр университетиди 13,6 минг талаба тахсил олаётган бўлса-да, уларнинг амалиёт билан боғлиқлик даражаси етарли эмас, битирувчиларнинг атиги 55 фоизи фақат ўз соҳасида ишлаши ҳақиқатни кўрсатади.

Шу боис, таълим, илмий тадқиқот ва ишлаб чиқаришни узвий боғлайдиган тизим яратиш ҳамда меҳнат бозори талабларига мос равишда етук мутахассислар тайёрлаш вазифаси қўйилди. Масалан, келгусида университет талабаларининг 6,8 минг нафари ишлаб чиқарувчи ташиқлотлар, қорхоналар ва агроқилластерларда, 2,6 мингдан ортиқ талаба эса Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги 22 та илмий-тадқиқот институтида амалиёт ўтади. Бу тизим талабаларни назарий билим билан таъминлаб қолмай, уларни замонавий технология ва иш тажрибаси билан ҳам бойитиши.

Шунингдек, фермерлар ва уларнинг ходимлари фарзандларининг тест синовларида белгиланган балларга ета олмаган тақдирда, қамайтирилган тўлов-контракт асосида университетга қабул қилиш ҳамда еттига таълим йўналиши бўйича ўқиш давомийлигини 4 йилдан 3 йилга қисқартириш тақдир қилинди. Бу тадбирлар талабаларни амалиётга тезроқ қўйиш ва уларнинг замонавий техника, масалан, тракторчи-машинист гувоҳнома ва агродронлардан фойдаланиш қўникмаларини мустаҳкамлаш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий билим ва амалиётни уйғунлаштириш, талабаларни замонавий технологиялар билан боғлаш ва уларни соҳада фаол ишлаш оладиган мутахассисга айлантириш орқали ердан самарали фойдаланиш ва аграр салоҳиятини ривожлантириш бир-бири билан узвий боғланган стратегик вазифага айланмоқда. Бу эса ер, инсон ва илм-фан ўртасида узвий боғлиқликни аналтади ҳамда келажак учун барқарор ва самарали аграр тизимни шакллантиришнинг асоси ҳисобланади.

Йилларни тиклаш, замонавий агротехника ва дрон технологияларидан фойдаланиш, ген муҳандислиги ва биотехнологиялар орқали маҳсулдорликни ошириш, олий таълим ва илмий тадқиқотларни амалиёт билан уйғунлаштириш — барчаси барқарор аграр ривожланиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, мева-сабзот боғлари ва тоқзорларни ташкил этиш, қўчатларни маҳаллий шароитда тайёрлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш орқали иқтисодий ва ижтимоий самара ҳам яратилади.

ривожлантириш агентлиги фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди. Уттан йили 44 минг гектар самарасиз ерларда интенсив ва саноатлаштирилган боғ ҳамда тоқзорлар ташкил этилиб, 37 минг янги иш ўрни яратилди. Бу маҳаллий аҳоли учун иқтисодий фойда келтирди, шунингдек, аграр салоҳиятини кенгайтиришда муҳим стратегик қадам бўлди.

Ташкил этилган боғ ва тоқзорлар 2027 йилдан ҳосил бериб, йиллик 660 миллион долларлик мева-сабзот экспорт қилиш имкониятини яратди. Масалан, Сўхта 500 гектар олма, малина ва ўрик, Термизда 164 гектар ўрик ва шафтоли, Оҳангаронда 309 гектар, Булунгурда 550 гектар ҳамда Қувада 60 гектар ерда узумнинг "Avatar" нави, Попда эса 504 гектар шафтоли ва олхўри плантациялари ташкил қилинди. Бу рақамлар кўрсатадики, маҳаллий ресурсларни оқилона фойдаланиш орқали ички эҳтиёж ва экспорт салоҳияти сезиларли даражада оширилади.

Келгуси йилларда бу ишлар давом эттирилиши, жорий йилда яна 25,5 минг гектар мевали боғ ва 5 минг гектар узумзор ташкил этилиши режалаштирилган. Шу билан бирга, 48 минг доимий ва мавсумий иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда. Бу эса аграр секторни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳам мустаҳкамлашни таъминлайди.

Мамлакатимизга ҳар йили 60 миллион доллар қийматида қўчатлар импорт қилиниши ҳамда уни маҳаллий шароитларга, Европа стандартларига мувофиқ тайёрлаш имконияти мавжудлиги таъкидланди. Бу борада агентлик 200 дан ортиқ мева турининг вирусдан холи, юқори ҳосилли оналик навлари коллекциясини яратди. Ушбу мева турларини кўпайтириш ва барча ҳудудларга етказиб бериш мақсадида Бектемир туманида 50 гектар, Ҳокориччиқ туманида эса 75 гектар "in-vitro" лабораториялари ва оналик қўчат-хоналардан иборат мажмуалар ташкил этилмоқда. Ил якунига қадар ушбу мажмуалар ишга туширилиб, йилига 27 миллион дона қўчат тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Аграр саноатни ривожлантириш агентлигининг бу борадаги ишлари мева-сабзот ҳосилини кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва иш ўринлари яратишга хизмат қилади, шунингдек, ер ва ресурслардан узвий ва самарали фойдаланишнинг барқарор моделини намоён этади. Мазкур жараёнлар, ўз навбатида, мамлакатнинг аграр ривожланиши ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳар бир қадам — ерни самарали ўзлаштиришдан то илмий тадқиқот ва кадр салоҳиятини ривожлантиришга қадар — мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги сиёсатининг узвий ва оқилона тизимини шакллантиради. Бу жараёнларда асосий гоя шундан иборатки, ер ва инсон, илм-фан ва технология, иқтисодиёт ва ижтимоий тараққиёт бир-бири билан узвий боғланган.

Яйловларни тиклаш, замонавий агротехника ва дрон технологияларидан фойдаланиш, ген муҳандислиги ва биотехнологиялар орқали маҳсулдорликни ошириш, олий таълим ва илмий тадқиқотларни амалиёт билан уйғунлаштириш — барчаси барқарор аграр ривожланиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, мева-сабзот боғлари ва тоқзорларни ташкил этиш, қўчатларни маҳаллий шароитда тайёрлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш орқали иқтисодий ва ижтимоий самара ҳам яратилади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Ер — ҳазина, сув — гавҳар

ҚАЛЪЛАРГА ИШОНЧ БЕРГАН ЎЗГАРИШЛАР



Бошланиши 1-бетда

Очиқ тўқинлардаги сувнинг катта қисми ерга синиши, буғулаши оқибатида йўқотилади. Каналларни бетонлаш эса ана шундай исрофни бир неча баробар қамайтиради. Қолаверса, бетон қоплама сув оқинини тезлаштириш, каналларнинг фойдали иш коэффициентини сезиларли даражада оширади. Бу эса сувни аниқ ҳисоб асосида тақсимлаш имконини беради. Натигада ўз вақтида етарли сув олган деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳирмонига баракани қиради.

Халқимиз "Сув зар, сувчи зарар" деб бежиз айтмаган. Заргарона маҳорат билан сувдан унумли фойдаланаётган соҳа ходимлари мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги ва халқимиз дастурхони тўқинлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан Қорақалпоғистондаги жами 43,8 километр узунликдаги 4 та каналда бетонлаш ва реконструкция ишлари бажарилляпти. Нукус туманидаги Сорали, Шуманай туманидаги Ақ жап, Тахнатшо туманидаги Эски Кенегес ва Чимбой туманидаги Таг жап каналларида таъмирлаш ишлари жадал сурьтада давом этапти.

— Бетонлаш жараёнини икки сменада ташкил этганмиз. Ҳозиргача 4 та каналнинг жами 12 километрдан ортиқ қисми бетон қуйишга тайёрланди. Яна 5,2 километри бетонланди, — дейди "Қорақалпоғистонсувқурилишинвест" давлат муассасаси директори вазифасини бажарувчи Аллаёр Қайпов.

Қорақалпоғистон — сув етиб келиши қийин бўлган ҳудудлардан. Шу маънода, сувни тежаш, ундан самарали фойдаланиш ҳудуд учун жуда муҳим. Соҳадаги янгиланишлар, бунга етарлича маблағ ажратилаётгани эса кишини қувонтиради. Хусусан, Нукус туманидаги Сорали хўжаликлари каналининг 7 километрини бетонлаш ва реконструкция қилиш учун 9 миллиард 835 миллион сўм ажратилган.

— Обьектда барча иш технологик талаблар асосида бажарилляпти. Албатта, бу борада сифат ва муддат биринчи ўринда туради. Шу боис, бетон қуйиш ишларини кечки ва тунги сменаларда давом эттирялган. Бунинг учун объектга ўндан ортиқ махсус техника ва етарли миқдорда ишчи кучи жалб этилган, — дейди бош пудратчи "Max Elite Строй" МЧЖ иш юривчиси Илс Пўлатбоев.

Ҳозиргача Сорали каналининг 3,7 километрга бетон қуйишга тайёрларлик ишлари бажарилди. Шундан 2,9 километрга бетон ётқизилди.


— Сорали канали 1970 йилда ишга туширилган. Уттан 55 йилда капитал реконструкция қилинмаган. Оқибатда ёмон техник ҳолатга келиб қолган. Фойдали иш коэффициенти 60-63 фоизга тушиб кетган. Бу сугориш мавсумида фермерлар ва аҳолининг экин майдонларига сув етказишда муаммо келтириб чиқараётган эди, — дейди Нукус тумани сув етказиб бериш хизмати давлат муассасаси директори Даўлетбай Усаков. — Давлатимиз раҳбарининг сув тежаш борасида белгилаб берган вазифалари ижроси доирасида ушбу канал бетонланяпти. Реконструкция ишлари доирасида каналнинг 7 километрга яқин қисмида tupроқ ва бетонлаш ишлари бажарилляпти, сув тўсувчи ҳамда уни тарқатадиган гидротехник иншоотлар барпо этиляпти.

Лойиҳа тўлиқ якунлангач, каналнинг сув ўтказиш имконияти секундига 2,5 метр кубга етиб,

фойдали иш коэффициенти 80-85 фоиз ошади. Филтрациянинг олди олинши ҳисобига йилга ўртача 2,4 миллион куб метр сув тежалади. Натигада Нукус ва Ақмангит ҳудудларидаги 2943,2 гектар ер сув билан таъминланиши кафолатланади. Эътиборлиси, яқин йилларгача Қорақалпоғистонда каналларни бундай кенг қўлама бетонлаш ишлари деярли бажарилмаган. Фақат қисман таъмирлаш ишлари билан чекланиб келинган. Оқибатда кўплаб каналлар ўз лойиҳавий қувватини йўқотган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ушбу соҳадаги ўзгариш мутлақо янги бошқича чиқди. Сув тежамкор технологияларни жорий этиш, каналларни бетонлаш борасида изчил ихлошлар ўтказилляпти.

Чимбой туманидаги Таг жап канални реконструкцияси учун 20 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилган. Бу пул эвазига 13,3 километр узунликдаги канал тўлиқ бетонланади.

— Ҳозир Чимбой туманидаги Таг жап каналда бетонлаш ишларини бажарилган, — дейди қурувчи Руслан Бекиев. — Бугунгача 13,3 километр узунликдаги каналнинг 2 километрини



бетонладик. Жамоамиз 50-60 ишчидан иборат. Қўнға 80-90 куб метр жойни бетонлашмиз. Лойиҳани шу йил апрелда якунлашни ният қилганмиз.

Таг жап канални 1938 йили ишга туширилган. У Кейейли каналдан сув олиб, 4136 гектар ерга сув етказиб беради.

— Бу канал Таг жап овул фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган. Ундан 16 та фермер хўжалиги ва 4500 фуқаро томорқасини сугорди, — дейди "Таг жап" овул фуқаролар йиғини раиси Камолдин Абдурахимов. — Овулнинг аҳолисининг асосий машғулот деҳқончилик ва чорвачилик. Ростини айтганда, сув каналнинг охиригача етиб бормасди. Шу боис, одамлар қийинчиликларга дуч келарди. Энди шу муаммо ҳал этиладиган бўлди.



Шуманай туманидаги Ақ жап канали 1946 йилдан бун мавжуд. Шу кунгача каналда реконструкция ишлари бажарилмагани боис, сувдан фойдаланиш коэффициенти 60 фоизга тушиб кетган.

— Ушбу каналнинг 2 километр қисми тўлиқ бетонланди. Tupроқ ишлари 6,5-7 километрини ташкил этмоқда. Канални бетонлаш ишларига 20 дан ортиқ техника жалб қилинган, — дейди "Қорақалпоғистонсувқурилишинвест" давлат муассасаси директори вазифасини бажарувчи Аллаёр Қайпов. — Ақ жап каналдан 8 та фермер хўжалигининг 3937 гектар ери ва 600 дан ортиқ аҳолининг томорқаси сугорилляпти.

Сув — улуг неъмат. Тириклик манбаи. У билан дастурхонимиз тўқин-сочин, бозорларимиз ноз-неъматларга тўла, турмушимиз фаровон. Янги Ўзбекистонда халқимизни сув билан таъминлаш, деҳқонларимизга зарур шароитни яратиш учун бор имкониятга эрга солинмоқда. Одамларни рози қилиш, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган ихлошлар самара бера бошлади. Хусусан, ресурслардан оқилона фойдаланиш, сув тежови технологияларини кенг жорий қилиш орқали иқтисодий барқарорликка эришиш мумкинлиги ўз исботини топиб бормоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

БЕҚАРОРЛИК ВА МУВОЗАНАТ: ФАРОВОНЛИК ИЧКИ ХОТИРЖАМЛИКНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА КАФОЛАТЛАЙ ОЛАДИ?

Одамзод ҳаёти тобора фаровон, қулай, борган сари жозибдор манзара касб этмоқда. Шаҳарларда қад ростлаётган мухташам бинолар, кенг ва раво йўлларда ҳаракатланаётган замонавий автоуловлар, турфа неъматлар билан тўла савдо марказлари инсонни “ҳаёт шундай бўлиши керак” деган хулосага етаклайди. Гўё яшаш учун барча шароит муҳайё, бахт учун ҳамма нарса тайёр. Шу билан бирга, фаровон турмуш ортида галатки безовталик яшириниб ётгандек: инсон қалбиди тинимсиз ваҳима кезади, онгида турли ҳавотирлар айланади, юрагида тушунтириб бўлмағ ҳадиқ илдиз отади. Ҳаёт ташқи томондан барқарор кўринса-да, ички руҳий оламда нотинчлик ҳукм сураётгандек.

аста-секин хавфни доимий ҳамроҳ сифатида қабул қила бошлайди. Доимий хавотир муҳитида яшаётган жамият аста-секин ички таянчларини йўқотди, ижтимоий ишонч суясида, келажакка умид заифлашади. — Мазкур жараёни Шарқ жамиятлари, хусусан, ўзбек сегментиди баҳолаш учун алоҳида, ўзига хос ёндашув зарур. Чунки бу аспектда ижтимоий барқарорлик тарихий хотира, авлодлар тажрибаси, урф-одатлар ва маънавий мерос орқали шаклланиган мураккаб тизим натижасидир, — дейди психолог Нигора Мамматкулова. — Шарқ одами қадимдан ўзини аждодлари, замонадошлари ва авлодлари билан узвий боғлиқ ҳолда ҳис этган. Шу боғлиқлик жамият ҳаётида мувоозанатни таъминлаб турган. Оила, маҳалла, қариндошлик ришталари, ҳурмат-иззат, каттага эҳтиром, кичикка меҳр каби қадриятлар жамиятни ичидан мустақкамлаган. Қадриятлар инсонни фақат қонун ёки жазодан қўриқиб эмас, аксинча, виждон ва масъулият ҳисси орқали тартибга солган. Жумладан, буюк хитой мутафаккири Конфуций инсоният ҳаётига дохил зиддиятни аждодлар қолдирган урф-одат ва анъаналарни асраш орқали барта-раф этиш мумкин деган қарашни илгари су-рар экан, “Дарҳақиқат, низоо илтилофлик инсон билан ер ўртасидаги уйғунликни одом этмайди, асрашга интилулмайдиган ва аждодлари тажрибасини унутган элда авж олади”, дея таъкидлайди.



Мулоҳаза

Яна бир муҳим омил ижтимоий таққослашдир. Ижтимоий тармоқлар орқали бошқаларнинг ҳаёти кўпинча безовталик, идеаллаштирилган шаклда намойиш этилади. Кимдир муваффақиятли, бой ёки бахтли, хуллас, сизу биздан нимасидир ортиқдек.... Инсон эса ўз ҳаётини шу тасвирлар билан солиштира бошлайди. Бу таққослаш ички ишончсизликни, ўзидан норозилик, муваффақиятсизликдан қўрқувни кучайтиради.

Технологиялар шиддатидан масофалар яқинлашаётган бир пайтда одамлар ўзаро тобора узоқлашаётган таассурот уйғотади. Айниқса, ёшлар орасида ҳаётдан норозилик, тушкунлик, хавотир, руҳий қароқ кенг қулоқ ёймоқда. Шу боис, ташқи фаровонлик ички хотиржамликни қай даражада кафолатлай олиши бутун дунё соёлог ва психологларини ташвишга солаётган масалалардан бири бўлиб турибди. Ушбу зиддиятни англамай туриб эса жамиятдаги норозилик, жиноятчилик, руҳий тушкунлик, ижтимоий бефарқлик каби ҳолатларнинг илдирига етиш мумкин. Шунинг учун бугунги тараққиёт манзарасига фақат иқтисодий кўрсаткичлар эмас, айна вақтда инсон руҳияти, маънавий ҳолати ва ижтимоий кайфияти орқали ҳам баҳо бериш муҳим.

Глобал хавфлар ва этноанъаналар

Инсон ҳаёти учун умумий хавф-хатарлар сони ҳам, салмоғи ҳам ортган. Бэзи худудлар, айрим мамлакатлар доирасида юзага келган муаммолар бутун бутун дунёни бирдай безовта қилади. Касалликлар, экологик фалокатлар, иқтисодий инқирозлар, қуролли можаролар глобал тус олаётгани ба-шарият онгида барқарорлик ҳиссини заиф-лаштирмоқда. Хусусан, ҳали буткул ўтмиш хотирасига айланб улгурмаган дунёни ларзага солган пандемия ҳодисаси одамзод-нинг ўз имкониятларига ишончини жиддий синовдан ўтказди. Илм-фан юксак даражага етган, технологиялар ривожланган, тиббиёт тараққий этган даврда ҳам инсоният оддий вирус қаршидада ожиз қолиши мумкин экан. Минглаб одамлар ҳаётдан кўз юмди, миллиардлаб инсонлар руҳий босим ости-да яшашга мажбур бўлди. Бу ҳолат жамият онгида чуқур из қолдириди. Иқтисодий ҳаёт, таълим тизими, оилавий муносабатлар, ижтимоий барқарорлик ҳам бевосита таъ-сир кўрсатди.

Муайян даврларда этноанъаналарни ин-кор этувчи, кескин ўзгаришларни устувор деб билувчи гоилар ҳам пайдо бўлган. Жамиятни бирдан янгилаш, эски қадриятларни рад этиш орқали ривожланишга эришиш мумкин деган қарашлар илгари сурилган. Бундай ёндашувлар қисқа вақт оралиғида натижа бергандек кўринса-да, узок муддат оғир ижтимоий оқибатларга олиб келган. Тарих буну кўп бора исботлаган. Яъни аслида этноанъана тараққиётга тўққинлик қилувчи омил эмас, балки уни мувоозанатда ушлаб ту-рувчи механизмдир. У бизни фақат ўтмишга боғлаб қолмай, келажакка ҳам етаклайди, адашши ва фожиалардан асрайди. Ницше таъбири билан айтганда, “Биз тарихга зан-жирбандимиз, қаерга югурмайлик, тарих занжири биз билан бирга югуради”. Шу маънода, барқарор ривожланиш анъаналар ва янгилаш ўртасидаги уйғунлик орқали таъминланади. Шарқона барқарорликнинг моҳияти ҳам айнан шу уйғунликда мужас-сам.

Бироқ янгилаш ҳар доим ҳам муам-мосиз кечевормайди. Айниқса, у миллий қадриятлар, этноанъаналар, тарихий хотира билан уйғунлашмаган ҳолларда жамиятда зиддиятларни келтириб чиқаради. Ташқи тажрибаларни тўлиқ кўчириб олиш, ҳар хил моделларни танқидий таҳлилсиз татиққ этиш, миллий хусусиятларни иккинчи дара-жага қўйиш ижтимоий мувоозанатни издан чиқаради. Тарихий тажрибада жамиятни қисқа вақтда тубдан ўзгаришига уриниш-лар авлодлар ўртасидаги узилиш, маънавий бўлиш, қадриятлар инқирозига олиб келган. Ўз илдиридан узилган инсон аниги тизимга ҳам тўлиқ мослаша олган. Натижада ички қарама-қаршилиқ кучайган, норозилик кай-фияти авж олган.

Миллий қадриятлар билан ҳисоблаш-маган модернизация кўпинча ассимиляция жараёнини тезлаштиради. Тил, урф-одат,

менталитет, оила модели, ахлоқий мезонлар аста-секин ўзгариб боради. Бу ўзгаришлар дастлаб сезилмас бўлиб туюлса-да, вақт ўти-ши билан жамиятнинг маданий қиёфасига тубдан таъсир этади. Шу билан бирга, модер-низацияни тўлиқ инкор этиш ҳам ечим бўла олмайди. Замонавий дунёда рақобатбардор-лиш учун янгилаш мумкин муқаррар. Гап унинг қандай амалга оширилишида. Агар ислохот-лар жамиятнинг тарихий тажрибаси, мен-тал хусусиятлари билан уйғунлаштирилса, барқарор ривожланишга хизмат қилади.

Демак, модернизация ва миллий қадрият-лар ўртасидаги мувозанат жамият тарақ-қийётининг энг ноқил масалаларидан. Бу мувозанат бузилса, ривожланиш ташқи томондан тезлашгандек кўринса-да, ички барқарорликка путур етади ва аксинча, му-возанат сақланган шaroитда янгилаш жамия-тини мустақкамлайди, маънавий асослар-ни бойитилади.

Ижтимоий қўрқув ва истемолчилик кайфияти

Жамият ҳаётида норозилик ҳисси кўп ҳолларда ички изтироб, тушкунлик, бефарқ-лик кўринишида намоён бўлиб, вақт ўти-ши билан ижтимоий хулқ-атвор, кундалик муносабатлар, ҳуқуқбузарлик ва жиноят-лар кўпайишида ўз аксини топади. Доимий стресс, оилавий муаммолар, ишсизлик, ижтимоий эътиборсизлик авж олган шароит-да айримлар муаммоларни ўзравонлик, ноқонуний йўллар орқали ҳал қилишга ури-нади. Бу ҳолат жамиятда салбий занжирли жараёни юзага келтиради.

Иқтисодчилар фикрича, ҳаётдан мамнун-лик истемол саватига боғлиқ. Маълумот-ларга кўра, дунёда ҳар ким 5000 дан зиёд янги маҳсулот, истемол моли сотувга чиқа-рилади. XX аср ўртагалирида эса бир йилда ҳам шунча эмас эди. Бирок давримизда келиб масаланинг бошқа жиҳатлари — танганинг кичиринчи томони ҳам борлиги аён бўлди, яъни истемолчилик кайфияти инсонни дои-мий қониқмаслик ҳолатига дучор қилмоқда.

Айтайлик, бирор янгилик, кашфиёт қисқа муддат қувонч бағишлайди, сўнг тезда ундан зерикиб, янада янгиликни истаб қоламиз. Шу тарзда инсон чексиз эҳтиёжлар қалқасига тушиб қолади. Аслида, кўп нарсага эга бўл-са-да, ички хотиржамликка эриша олмайди.

Бундай ҳолат руҳий қароқни кучайтира-ди. Инсон тинимсиз ишлади, яхшигина да-ромат ҳам топади, лекин ич-ичидан толиқиб боради. У нимадир етишмаётганини сезади, аммо бу нима эканини аниқ тушунолмай қийналади. Моддий эҳтиёжлар қондирган-гани сари маънавий бўлишқни чуқурроқ ҳис этади. Француз файласуфи Жан Бодрийяр таъбири билан айтганда, бундай тўқинлик, истемолчилик жамиятни, кишини бахтиёр қилмайди, у охири-оқибат толиқиб муаммо-сини келтириб чиқариши мумкин. Бутун ас-р постиндустриал давлатлар асрининг янги офати — истемолчилик касалига йўлиққан. Бу жаҳон толиқиб муаммоси ҳам деб ата-лади.

Айниқса, аксарият ривожланган давлат-ларда депрессия, ўз жонига қасд қилиш, руҳий касалликлар кўрсаткичи юқори. Ма-салан, АКШда аҳолининг 10-15 фоизга яқини стресс ва депрессия ҳолатида яшайди, ўз жонига қасд қилувчилар сони ҳам, афсуски, йилдан йилга ошмоқда. Германияда эса 20 фоизга яқин аҳоли турли руҳий касаллик-лар туфайли тиббий клиникаларга муро-жаат этиб туради. Албатта, биз бу билан ривожланмаслик керак, демоқчи эмасмиз, аксинча, унга ҳар жиҳатдан, фойдао эҳтимо-лий хавфларини тўғри англаган ҳолда тайёр туришимиз шарт деган фикрдамыз. Зеро, инсоннинг руҳий эҳтиёжлари қондирилмас экан, фаровонлик тўла маънода бахт келти-рмайди.

Шундай муҳим мезонлардан бири инсон ва жамият, инсон ва давр диалектида вужуд-га келиб, авлодлар силсиласида ўзгармас ва айни пайтда парадоксал равишда муттасил янгилашга муҳтож тарихий хотирадир. Яъни ҳар бир инсон аждодлардан мерос генетик қодлар тушувчиси бўлиш билан бирга унинг бунёдкорига ҳам айланади. Бу борада сўз кетганда, кўпинча Алломишу

Гўрўглидан гап очамиз. Шубҳасиз, бу му-лақо тўғри ёндашув, ўтмишимиздан, аждод-лардан бизга қаҳрамонлик руҳи мерос. Бироқ баъзан инсон ўзи сезмаган ҳолда аждодлари бошдан кечирган қўрқувни, ҳадиқни, эҳтиёт-корликни ўзи феъл-атворида давом эттириши ҳам бор гап.

Яқин ўтмишимизда бошдан кечирилган мустабид тузум ана шундай чуқур руҳий из қолдирган даврлардан. Мазкур даврда жа-мият ҳаётини давом эттириш асосида шаклланди. Одамлар ҳар бир сўзини уйлаб гапиршиш, қадамни ўлчаб босиш, фикрини яшириш, ички норозилигини очик билди-рмасликка ўрганди. Ҳақ гапни айтиш хавф-га айланган шароитда ижтимоий қўрқув аста-секин онга сингиб борди. Зейиллар қатламга нисбатан юрилган шифатсиз қа-тагон сиебати, дин ва маънавий соҳасида-ги босим, она тилимиз, тарихимиз, миллий маданиятимизга совуққон муносабат ўнлаб йиллар давом этди. Оқибатда қўрқув нафақат сиебий, балки маънавий, ижтимоий, руҳий одағга айланган. Одамлар муносабатларга ҳам сингди. Танқид қилиш, ташаббус кўрса-тиш, янгилик тақлиф этишдан ҳадиқ сезиш одағи пайдо бўлди.

— Мустаққиллик даври бу жараёни аста-секин ўзгариштирди. Жамият ўз ўзанига қайтди, миллий қадриятлар тикланди, эти-қод эркинлиги таъминланди. Бироқ ўнлаб йиллар давомида шаклланиган қўрқув бир-дан йўқолмайди. Ижтимоий қўрқув айрим ҳолларда ҳануз сезилади. Шу сабаб жамият тараққиёти нафақат иқтисодий ёки сиебий ислохотларга, руҳий меросни англаш ва ун-дан хулоса чиқаришга ҳам боғлиқ. — дейди социолог Мирзобек Абдувоҳидов. — 2016 йилдан кейин ижтимоий ҳаётда янги босқич бошланди. Давлат ва жамият ўртасидаги му-носабатларда мулоқот, эшитиш, муаммолар-ни жойида ҳал этиш тамойили кучайди. Аҳо-ли билан бевосита мулоқот қилиш амалиёти кенгайди. Бу жараён жамиятда “биз ёлғиз эмасмиз, муаммоларини эътибордан четда қолмайди” деган тушуночани мустақкамлади. Ана шу тушуноча ижтимоий қўрқувни се-кин-аста сусайтирапти. Бироқ бу жараён ҳам

мулақ муаммосиз кечаётгани йўқ. Айрим ҳолларда эски руҳий одағлар, эҳтиёткорлик, ишончсизлик қолдиқлари ҳануз сезилади. Баъзилар янгилашга мослашишда қийна-лади. Ўтмишдан қолган қўрқув тўлиқ йўқо-либ кетмаган. Бу табиий жараён бўлиб, уни вақт ва изчил ҳаракат, қатий ирода орқали енгиш мумкин.

Кизиги, жамият ҳаётида янги турда-ги ҳадиқ-қўрқувлар пайдо бўлмоқда. Улар энди кўпроқ ички, яширин, кундалик ҳаётга сингиб кетган руҳий ҳолат сифатида юзага келмоқда. Замонавий инсон кўпинча нима-дандир қўрқётганини ҳис этади, аммо бу қўрқувнинг аниқ манбасини ҳар доим ҳам тушуноиб етмайди. Мисол учун, ҳозир дунё бўйлаб энг кенг тарқалган қўрқувлардан бири — келажакдан ҳадиқ. Инсон эртанги кунига тўлиқ ишонч билан қарай олмайди. Ишини йўқотиб қўйиш, даромадсиз қолиш, соғлигидан айрилиш, оиласини муносоиб таъминлай олмаслик хавфи онгида мунтазам нимираб туради. Бу ҳадиқ инсонни эҳтиёт-кор, баъзан эса тортинчоқ қилиб қўяди.

Яна бир муҳим омил ижтимоий таққослашдир. Ижтимоий тармоқлар орқали бошқаларнинг ҳаёти кўпинча безовталик, идеаллаштирилган шаклда намойиш этилади. Кимдир муваффақиятли, бой ёки бахтли, хуллас, сизу биздан нимасидир ортиқдек.... Инсон эса ўз ҳаётини шу тасвирлар билан солиштира бошлайди. Бу таққослаш ички ишончсизликни, ўзидан норозилик, муваффақиятсизликдан қўрқувни кучайтиради.

Айрим ҳолларда замонавий қўрқув ташаббуссизлик шаклида намоён бўлади. Инсон янги гоғ тақлиф қилишдан, янгича фикрлашдан, зиммасига масъулият олишдан чўчилади. Бундай тонфадаги одамлар, энг аввало, ўз эркинлигини ҳис қилмайди. Улар ҳар бир масалада ўзидан юшари туруви ҳар бирнинг фикрига қараб ишлага қўни-қиб қолган. Узининг фикрига эга бўлмаслик эса шахсда ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик юзага келтиради. Аввалдан белгиллаб қўй-илган қоидалар асосида ишлаш, фақатгина қабул қилинган режаларни бажаришга ҳара-кат қилиш инсонда, айниқса, раҳбарларнинг ташаббускорлигини бўғайди, эркин тафаккур қилишга йўл қўймайди. Пировақтида бун-дай ҳолат уларни топиширқни бажарувчи “кичкина одам”га айлантириб қўяди.

Демак, бугунги жамият қўрқув шаклини йўқартирган ҳолда яшашда давом этмоқда. У энди очик ўзравонликдан эмас, балки но-аниқлик, солиштириш, ишончсизлик, ёлғиз-ликдан озикланипти. Бу қўрқув кўринмас бўлса-да, инсон ҳаётига чуқур таъсир кўрса-моқда. Уни енгиш фақат ташқи шароитларни яхшилаш билан чекланмайди. Энг аввало, инсоннинг ўзи инсончини мустақкамлаш, маънавий таянчларини кучайтириш, жамия-ятда очик ва самимий муҳитни ривожлан-тириш зарур. Ана шунда замонавий қўрқув аста-секин ўз таъсирини йўқотди.

Шу боис, бугунги тараққиёт йўлида энг муҳим вазифа моддий ривожланиш билан бир қаторда маънавий уйғонишни таъмин-лашдир. Жамият фақат доно, масъулиятли, виждонли инсонларга таяниб ривожлан-гандагина мустақкам ва барқарор бўла ола-ди. Ана шундай жамиятда қўрқув ўрнини ишонч, беқарорлик ўрнини мувозанат, но-розилик ўрнини бунёдкорлик эгаллайди. Тараққиёт инсон қалби билан уйғунлашган шароитдагина чинакам маъно касб этади.

Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

МЕҲР-МУРУВВАТ, АҲИЛЛИК ВА ШУКРОНАЛИК



Инсон қадри учун

“Рамазон меҳр-мурувват, аҳиллик ва шукроналик оий” шиори остида эзгу ва савобли тadbирларнинг ташкил этилиши юртдошларимиз қалбига қувонч улашмоқда.

Президентимизнинг 2026 йил 17 февралдаги “Муборак Рамазон ойда эҳтиёж-манд аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги қарорига кўра, ижтимоий реестрининг “дав-лат таъминотидаги оила” тоифасига кирув-чи оилалар, ўзгалар парваршига муҳтож, ёлғиз яшовчи кескалар, ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, етим ва ота-она қара-моғидан маҳрум болалар яшаётган оилалар-га 1 миллион сўмдан бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш жараёни давом этаётди. Шунингдек, ижтимоий реестр рўйхатидаги оилаларнинг бемор аъзолари даволаниши ва жарроҳлик амалиёти билан боғлиқ харажати қоплаб берилиши ҳам кўзда тутилган.

Навоий вилоятида ҳам эҳтиёжманд оила-ларга моддий ва маънавий кўмак бериш иш-лари давом этмоқда. Бу эзгу амаллар, аввало, келтириб, одамлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни мустақкамлайди. Шу билан бирга, бутун жамиятнинг маънавий юксалиши учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. — Ҳар йилгидек бу йил ҳам Рамазон оийи республикамизнинг барча худудиди

Эътиборлиси, бундай манзилли ёрдам Навоий вилоятининг бошқа худудларида ҳам давом этмоқда. Бу эса ижтимоий ҳимоя ти-зими изчил ва адолатли йўлга қўйилганидан далолат беради.

Нурота — мамлакатимизда зиёрат сайёҳлигининг жозибдор манзилларидан. Навоий вилоятига йўли тугшган меҳмон борки, албатта, Нурота чашмасини зиёрат қилади. Муқаддас ойда бу манзилда ҳам ҳеч ким эътибордан четда қолмапти. Кам



таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиниб, эҳтиёжманд-ларга ҳар томонлама кўмак берилляпти. Тумандаги “Ғафур Ғулом” МФИда яшов-чи Амридин Рустамов хонадониди таъмир-лаш ишлари якунига етмоқда. Табиийки, бундай имконият ва гамхўрликдан оила ва-киллари жуда мамнун.

Эшон Судур маҳалласида яшовчи Розия Ҳамроқулова 70 ёшни қаршилаган. Фар-зандининг имконияти чекланганидан азият чекиб келади. Шундай мураккаб вазиятда давлат томонидан берилаётган эътибор, кўрсатиллаётган гамхўрлик, яхши инсонлар кўмаги қалбига таскин беради, албатта. Асо-сийси, бу юртда ҳеч ким ўз муаммоси билан ёлғиз эмаслигига шукрона айтади.

— Давлатимиз томонидан оилага доим зарур кўмак бериб келинади, — дейди Розия Ҳамроқулова. — Маҳалла фаоллари ҳам ҳолимиздан хабар олиб турганидан миннат-дорман. Ногиронлиги бўлган фарзандимни ёлғиз парвариш қиламан. Рамазон оийи муно-сабатли билан моддий ва бошқа зарур ёрдам бериляпти. Бу каби эътибор ва гамхўрлик учун шукрона айтаман.

Қизилтепа туманидаги Фурқат маҳалла-сида истиқомат қилувчи Индира Отахонова хонадониди таъмирлаш ишлари бошланган ижтимоий реестрдаги бу оила учун ҳам ишонч ва далда бўлди.

Бутун Қизилтепа туманидаги ижтимоий реестрга киритилган 3000 га яқин оилага ана шундай гамхўрлик кўрсатилляпти. Рамазон оийиди бундай хайрли ишлар юртимизда инсон қадри, меҳр-оқибат ва ижтимоий бир-дамлик тамойиллари устувор эканини яна бир бор намоён этаётди.



ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган, етим ва ота-она қарамоғиди фукораларга 1 миллион сўмдан моддий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Навоий вилояти бошқар-маси бошлиғи ўринбосари Фаррух Бафоев. — Бундан ташқари, ушбу реестрдаги 10 минг-дан ортиқ камбағал оилага 500 минг сўмдан моддий ёрдам бериляпти. Шу билан бирга, ушбу реестрда турмайдиган, аммо эҳтиёжманд 1300 дан ортиқ оила рўйхати шакллантирилиб, уларга ҳам моддий кўмаклашилади. Қолавер-са, вилоятимиз бўйича 117 бемор фукоронинг жарроҳлик амалиёти ва мулоажаз учун тегишлича маблағ ажратилляди.

Вилоятда бу каби кўмак бериш жараёни манзилли ва шаффоф тарзда ташкил этилиб, ҳар бир маҳалла кесимида эҳтиёжманд оила-лар камраб олинган. Муборак кунларда хайрли ташаббуслар барча худудларда давом этмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Тил ва тафаккур бири иккинчисиз мавжуд бўла олмайдиган ҳодисалардир. Бу ҳақиқат узоқ вақт давомида инкор этиб келинди: гўёки тил шакл, тафаккур эса мазмун, тил эса тафаккурни ифодаловчи шунчаки бир шаклдек талқин қилинди.

Илмий-тадқиқот муассасаларида

ТИЛ ВА АДАБИЁТ ҲАМИША ЯШАЙДИ

У ЎЗИНИ ГЎЗАЛ ШАКЛЛАРДА НАМОЁН ҚИЛАВЕРАДИ



Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти юртимиздаги шу йўналишлардаги энг йирик илмий марказ ҳисобланади. Институтда ўзбек адабий тили, социолингвистика, ўзбек мумтоз адабиёти тарихи, XX аср ўзбек адабиёти ва ҳозирги адабий жараён, адабиёт назарияси ва адабий алоқалар ҳамда фольклор каби бир нечта бўлимлар, шунингдек, фольклор архивидек ноёб илмий объект мавжуд. Мазкур бўлимларда халқимизнинг қадимий миллий ўзлиги ўзагини ташкил қилувчи ва уни саломат сақловчи тил, бадиий сўз ҳамда халқ оғзаки ижоди дурдоналари тилсимоти, шунингдек, улардаги қиёссиз синоатларни инкишоф қилиш каби мунтазам илмий муддаолар асосида тадқиқотлар олиб борилади.



Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, филология фанлари доктори, профессор, замонавий ўзбек тилшунослигининг йирик вакили Низомидин МАХМУДОВ билан кечган суҳбатимиз ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ҳамда халқаро миқёсдаги обрў-этиборини туддан ошириш масалалари ва бугунги адабий жараёнлар ҳақида бўлди.

— Бугунги кунда Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг асосий миссияси нимадан иборат? Муассаса ўз олди-га қўйилган мақсад ва вазифаларни қай даражада ундамоқда?
— Тил фақатгина шакл ёки овоздан иборат моҳият ёхуд ҳодиса эмас, балки у бениҳоя кўп вазифаларга эга бўлган бебаҳо неъматдир. Атоқли олмон алломаси Вильгельм фон Гумбольдт ва унинг зукко давомчилари томонидан дангал эътироф этилганидек, тил кишилар ўрасасида шунчаки алоқа воситасига эмас, балки у миллиятнинг кўра кўзи, эшитар кулоғи ва англор ақлидир. Хар бир халқнинг бошқалардан фарқ қилувчи ўзига хос миллий нигоҳи мавжуд бўлиб, муайян бир тил вакили муайян бир товушни бошқасидан фарқли равишда эшитади. Масалан, муайян жонивор чикарадан товушни барча тил эгалари ҳам айнан бир хилда эшитади. Шунинг учун тил олами билишнинг бирламчи ва қадратли кўроли саналади.

Тил ва тафаккур бири иккинчисиз мавжуд бўла олмайдиган ҳодисалардир. Бу ҳақиқат узоқ вақт давомида инкор этиб келинди: гўёки тил шакл, тафаккур эса мазмун, тил эса тафаккурни ифодаловчи шунчаки бир шаклдек талқин қилинди. Шу ўринда машхур “Тирек рус тилининг изохли лугати” яратувчиси Владимир Далнинг (онаси олмон, отаси даниялик) қўйидаги сўзларини эса олмиш қиёф қилади: “На касб-ор, на диний эътиқод ва на аждодлар қони кишининг у ёки бу халққа мансублигини кўрсатади... Ким қайси тилда ўйласа ва тафаккур қилса, у ўша халққа мансубдир. Мен русча ўйлайман”.

Дунё адабиётининг номдор намонидаси Чингиз Айтматов “Авезов ҳақида сўз” мақоласида “Тил халқнинг автопортретидир” тарзидаги беҳад мантқиқ ва образли таърифи келтириб ўтган. “Автопортрет” расмининг ўз қўли билан чизган шахсий тасвирдир. Чиндан ҳам, масалан, ўзбек тили ўзбек халқининг сийрату суратини, тафаккур ва тахайёл оламини, шунингдек, ўтмиш бугунини боғлаш ақс эттирадиган ҳамда энг муҳими, шу тилининг ўзи воситасида ва “ўз қўли” билан “чизилган” ҳам ички, ҳам ташқи холис қиёфасидир. Албатта, бу қиёфа халқимизнинг минг йиллик лисоний-тарихий тараққиёти жараёнида, бетакор маданият ва ақлий, адабий-бадиий дурдоналарида яққол буй кўрсатиб турибди. Мазкур қиёфа парваришу муҳофазага, эъзозу эҳтиётга муҳтож, кўз қорачиғидек асрашга ва янада камолот сари элтишга шоён бўлган муҳташам бойлиқдир. Шунинг учун нафақат юртимиз тилшунослигида, балки дунё тилшунослигида ҳам тилни унинг эгаси, яъни соҳибига билан биргаликда ўрганиш тамойили (антропоцентриқ тилшунослик) етакчилик қилмоқда.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётидаги ва халқаро миқёсдаги обрў-этиборини ошириш, таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини юксалтириш, шу билан бирга, давлат тилининг соғлигини сақлаш, уни бойитиш бориш ва замонавий ахборот технологиялари ҳамда коммуникациялари га фаол интеграциялашувини таъминлаш институти фаолиятининг асосий йўналиши саналиб келинмоқда. Сўнгги саккиз-тўққиз йил ичиди бу борадаги илмий излашлар пухта ишланган режалар асосида амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сўбатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бевосита ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини оширишга қаратилган бўлиб, унда 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сўбатини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланган, шунингдек, 21 октябрни Ўзбек тили байрами куни деб белгилаш ва лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтиш чоралари тўзила турилган. Шубҳасиз, бу фармон давлат тилини янада ривожлантириш борасидаги ишларни ҳар жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади. Таклиф қилинган янги сўз ва атамаларни илмий жиҳатдан ўрганиш, экспертизадан ўтказиш, жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилиш ҳамда янги сўз ва атамалар бўйича таклифларни Атамалар комиссиясига киритиб бориш вазифаси айнан институтиимиз олимлари зиммасига юклатилган.

Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳозирги кунда яна қайта кўриб чиқилмоқда. Илгари қамраб олинмаган жиҳатларни янги қонунда ақс эттириш устида жиддий ҳаракатлар қилинган. Зеро, она тили ва давлат тили жуда муҳташам тушунчалардир. Она тили дегани, юқориди айтиб ўтганимдек, бу ўша миллиятнинг барча нараси: ичи, ташқи, қалби, юраги, тарихи ва бугунидир. Лекин узоқ йиллар давомида ўзбек тилига гўёки фақатгина алоқа воситаси, яъни икки одам ўзаро гаплаша оладиган восита сифатида муносабатда бўлибди. Аслида, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида дунё тилшунослигида антропоцентриқ тилшунослик йўналиши шаклланди. Тилшуносликда бевосита тилининг ўзи ўрганилади, лекин тилининг марказида одам, унинг тарихи, психологияси, руҳияти ва менталитети туради. Тилни ўрганганда у фақат эга, кесим ёки от, сифат, сон эмас, балки миллиятнинг келиб чиқиши, менталитети, тарихи, руҳияти ва тафаккури сифатида уларнинг барчаси билан биргаликда ялғит ўрганилиши керак.

Институтиимиз тилшунослари томонидан яратилган 6 жилдди “Ўзбек тилининг изохли лугати” ҳам мутахассислар ва кенг жамоатчилик томонидан жуда илқ кутиб олинди; ушбу лугат 80 мингдан ортки сўзни ўз ичига олган. Ҳозирги кунда лугат янада кенгайтирилиб, унинг 10 жилдигини тайёрлаш устидаги ишлар мунтазам ва жадал сурьатларда кечмоқда.

Институтиимизда нафақат давлат тили, балки адабиёт ва фольклор йўналишлари бўйича ҳам кўплаб ишлар бажарилмоқда. Албатта, фольклор ва адабиёт йўналишлари илгари ҳам жуда чиройли тарзда тадқиқ этиб келинган. Институтиимиз тарихида адабиёт илми ва фани билан боғлиқ эътиборга молик излашларга мисоллар жуда кўп топилади. Иззат Султоннинг “Адабиёт назарияси” асари Марказий Осиё халқлари орасида адабиёт назариясига оид биринчи асар сифатида эътироф қилинади. Ўз даврида қўлма-қўл бўлиб ўқилган бу китобнинг аҳамияти ҳозирги кунда ҳам асло камаймаган.

Бугунги кунда адабиёт назариясига дахлдор излашлар ва янгилашларни муттасил ҳамда мунтазам равишда тадқиқ этишни даврининг ўзи талаб қилмоқда. Демакки, адабиёт назариясининг эски даврлар талаби билан юзага келган яқранг талқинларини янгилаш, шунингдек, мумтоз адабиётимиздаги юксак ўлчовларни забт қилган дурдоналарга хос бўлган нодир қонунларни инкишоф қилиш бугунги кунимиздаги беҳад долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда институтиимизнинг Адабиёт назарияси ва адабий алоқалар бўлими профессор Б.Тўхлиев раҳбарлигида 2 жилддан иборат “Миллий адабиёт назарияси” тадқиқотини яратишга киришган. Унда номидан ҳам англашиб турганидек, умуман адабиёт назарияси эмас, балки миллий адабиёт назарияси тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган. Бу, шубҳасиз, ўзбек адабиётшунослигида шаклланган янги ҳақиқат дунёсининг натижасидир.

Институтиимиз XX аср ўзбек адабиёти ва ҳозирги адабий жараён бўлимида 2 жилдди “Жаҳид адабий энциклопедияси”ни яратиш устидаги ишлар жадал сурьатларда давом этмоқда. Бу ўзига хос тадқиқот ҳам тамоман янги бир иш бўлиб, у профессор Эргаш Очилов раҳбарлигида бажарилмоқда.

Ҳозирги кунда институтида саккизта бўлим фаолият кўрсатиб турибди. Яна битта ноёб объект — Фольклор архиви бўлимида



1920-1928 йилларда Ҳодӣ Зариф томонидан тўпланган фольклор материаллари сақланмоқда. Айни пайтда ана шу нодир дурдоналарни рақамлаштириш билан боғлиқ амалий ҳаракатлар кетяпти. Бу жуда катта маънавий мерос. Ўзбекистонда 2012 йилдан бошлаб “Ўзбек халқ ижоди дурдоналари” номи 100 жилдди китоблар тўплами нашр этилиб келинмоқда. Ҳозирга қадар ушбу китобнинг 50 жилди чоп этилди. Достон, терма ва ўяллар, умуман олганда, халқ оғзаки ижодида дахлдор нимани бўлса, барча фольклор асарлар жамлаиб, ялғит тўплам ҳолатига келтирилган. Бу ишлар ҳали ҳам давом этмоқда. 2030 йилгача қолган 50 жилднинг ҳам нашрдан чиқиши кўзда тутилган.

“Адабиёт бўлмайдиган миллат йўқлига маҳкум” деган эди замондош шoirлардан бири. Дарҳақиқат, ҳар қандай миллиятнинг шаклланиши, ўзини таниши ва маънавий юксалишида адабиётнинг ўрни беқиёс. Зеро, ҳеч нарса инсон руҳиятига адабиётчилик малҳам ва нажот бўла олмайди. Бугунги кунда миллиятнинг маънавий иқлимини яратиш йўлидаги уринишлар ва адабиётнинг жамиятта



таъсири хусусида нима дея оласиз? Адабиёт бугун жамиятнинг тарбиялашпими ёки фақатгина ўрганилашпими?

— Адабиёт, ҳеч шубҳасиз, сўз санъатидир. Машхур инсонлардан бири “Адабиётнинг боши фольклордир” деган эди. Ҳа, адабиёт бу сўзидир ва шу билан бирга, у фольклордир. У халқнинг эртаги, достони ва қўшиғи демек. Миллатнинг, умуман олганда, бадиий тафаккур дунёсининг илк ифодачиси, уни илк бор намоён қиладиган ва инъийо қилдирадиган воситаси — фольклор. Адабиёт эса шундан бир қадам юқорига кўтарилган, ёзма шаклда ва тегишли тарздаги адабий тафаккурлар ҳамда тасаввурлар билан бирга пайдо бўлган жараёндир. Адабиётсиз миллат, адабиётсиз халқ бўлиши асло мумкин эмас. Чунки миллиятнинг ва халқнинг ривожини, унинг кечати куни ҳамда орзу-умидларини кўрсатадиган асосий восита бу — адабиёт. Шунинг учун адабиёт жуда катта куч саналади.

Бадиий тил нуқтаи назаридан Эркин Аъзам бугунги ўзбек носирчилигида юксак даражаларни забт этган моҳир ёзувчидир. Адибларимиз чиндан ҳам эътиборга лойиқ асарлар битмиқда. Моҳомиши, бундай асарлар бор экан, адабиёт ҳаммиша яшайди ва ўзини гўзал шаклларида намоён қилаверади.

— Институтида қайси янги назарий йўналишлар ривожланмоқда? Рақамли лингвистика ва сунъий интеллект қандай йўлга қўйилган?
— Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш олдимида турган энг муҳим ишлардан биридир. Унга кўра, қўлёзмалар ҳамда адабиёт ва санъат асарлари рақамлаштирилмоқда. Шу мақсадда бир неча электрон платформа яратилди. Жумладан, институти олимлари томонидан “Жаҳон навоийшунослиги” электрон платформаси ишлаб чиқилди. Айни пайтда мазкур платформа дунёнинг 8 та тилда фаолият юритмоқда. Ноёб объект саналган Фольклор архивидидаги 3000 га яқин бирликнинг рақамлаштирилаётгани эса мавжуд материаллардан кенг миқёсда фойдаланиш имкониятларини янада оширади.

Бундан ташқари, 2020 йилда институтиимизда Социолингвистика бўлими очилди. Социо — жамият, лингвистика эса тил, яъни тилшунослик деганидир. Социолингвистика бевосита жамият ва тил масалаларини ўрганади. Ушбу бўлим бугунги жамиятда давлат тили қай тарзда яшайши кераклигини илмий жиҳатдан тадқиқ қиладиган тилшунослик йўналишидаги жиддий бўлимлардан биридир. Социолингвистиканинги моҳияти, унинг бошқа тили мамлакатларда қай тарзда ривожланаётгани ҳамда бизда бу йўналишнинг қандай истиқболга эга экани ҳақида мазкур бўлим томонидан махсус монография эълон қилинди. Ўтган йили бу асар тилшунослик бўйича ўтказилган энг яхши илмий асарлар танловиди биринчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари, ўтган йили “Социолингвистика терминларининг изохли лугати” ҳам нашр қилинди.

Сунъий интеллект ёрдамида тил таркибини тадқиқ этишга хизмат қилувчи, тилининг нафақат мазмунини, балки ментал ва психик каби хусусиятларини ҳам очиб беришга у ёки бу тарзда ёрдам берадиган дастурларни ишлаб чиқиш галдаги асосий вазифаларимиздан саналади.

— Халқаро ҳамкорлик самараси нима дунё кўзга ташланмоқда? Ўзбек адабиётшуносларининг бугунги кунда дунё илм-фанига қўшаётган ҳиссаси нимадан иборат? Шунингдек, жаҳон илмий майдонида миллий тилшунослигимиз қай даражада намоён бўлапти?
— Ўзбек тилшунослиги ва Ўзбек адабиётшунослигининг дунё филологиясида ўзига хос мустақкам ўрни бор. Азалдан устозларимиз ташқи мамлакатлар билан у ёки бу тарзда мунтазам муносабатда бўлиб келган. Хорижий ҳамкасбларимиз ҳам юртимизга келиб, ўзбек достонлари, эртақлари, бадиий асарлари ва, умуман, ўзбек тили устида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб бorgan.

Бундан 10-15 йиллар муқаддам жанубий корейлик Ингён О хоним юртимизга тез-тез келиб турарди. У бугунги кунда ўз юртида фан доктори, профессор ва катта бир институтида раҳбар сифатида фаолият кўрсатапти. Айнан шу хоним “Алпомиш” ва “Жумон” достонлари ўртасидаги яқинлик ва фарқлар мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб кетди. Қўшни Қирғизистон фуқаролари Барно Исҳоқова ва Хосият Бекмирзаева эса институтининг мустақил тадқиқотчилари сифатида ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намоёндалари бўлиш Бобур Мирзо ва Жаҳон отин Увайсий ижоди юзасидан илмий излашлар қилди. Улар институтида фаолият юритаётган ўзбек адабиёти ихтисослигидаги илмий кенгашида ўз диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасига эга бўлди.

2017 йилнинг май ойида Хитойнинг Ланьжоу университетиди бугунги ўзбек тилшунослигидаги англиклар ва янги йўналишлар борасида ярм ҳафта мобайнида маъруза ўқиб келганман. Ўз навбатида хорижий ҳамкасбларимиз ҳам турли илмий анжуманлар доирасида юртимизга тез-тез ташриф буюриб туради.

Институти директорининг илм-фан бўйича ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор Мақсуд Асқодовнинг “Навоий ижодида соқийнома” (“Sakinameh in Navoi's work”) номли монографиясини инглиз тилида “AMAZON” (Америка, Сизл) нашриётида чоп этилди.

Китобда ўзбек мумтоз адабиётинида соқийнома жанрининг тараққиёти, хусусан, буюк мутафаккир ва шoir Алишер Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонидан ўрин олган 32 банд, 500 мисрага яқин соқийноманинги гоъвий-бадиий хусусиятлари атрофида ёритиб берилган. Соқийнома XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хоросондаги ижтимоий, маданият ҳамда адабий ҳаётини, қолаверса, Алишер Навоийнинг ҳаёти, фаолияти, таржимаи ҳоли, яқинлари, устозлари, дўсти биродарларини, Навоий ва Хусайн Бойқаро муносабатларини, шунингдек, улуг шоирнинг теурий шахзодаларга бўлган муносабати хусусида баҳс юритувчи ўзига хос манзумидир. Монография муаллифи адабий матн мазмунига таянган ҳолда Алишер Навоий феноменининг ёрқин жиҳатларини илмий асосда очиб берган ва теран тадқиқ қилган.

Мазкур китоб Президентимизнинг 2025 йил 7 февралдаги “Буюк шoir ва мутафаккир Мир Алишер Навоий ижодий меросини юртимиз ва жаҳон миқёсиди кенг тарғиб қилиш ҳамда Навоий вилотида “Алишер Навоий йили”ни юқори даражада ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш йўлида ташланган қадамлардан биридир. Ушбу монография буюк ватандошимизнинг ижодий меросини хорижда ҳам кенг тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ёрқин намунаси бўла олади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

GAZETA DАGI MATERIАL LАRNI LOTIN EZUVIGA ASOSLАNGАN ЎZBEK ALIFBOSIDA ЎQIШ UCHUN MAZKUR QR-KODNI SKANER QILING.